Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 22 (20. 589) • 1990 йил 26 январь, жума • Баҳоси 3 тийин.

16 ФЕВРАЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВА МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

Ўзбекистон Компартияси ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Қонунни қатъият билан ва оғишмай амалга оширади. Республика Министрлар Совети ана шу Қонунни белгиланган муддатларда рўёбга чиқариш учун тадбирлар комплексини амалга оширмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма ерда ўзбек тилини пухта ўрганиш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Айни вақтда миллатлараро муомала тили бўлган рус тилини барча аҳоли яхшироқ билиб олиши, республикада яшаётган ҳамма халқлар тилларининг эркин равнақи таъминланмоқда.

(Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастуридан)

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЙЎЛ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

● Иккинчи йўл фойдаланишга топширилиши туфайли Меҳнат—Жиззах участкасида поездлар қатнови жуда кўпайди.

Юк ортилган поездлар янги из орқали белгиланган ерга 12 соат олдин, пассажир поездлари эса икки ярим соат олдин етиб келмоқда. Иккинчи йўлни «Самаркандтранстрой» трести билан темир йўл бошқармаси йўл қурилиш-монтаж трести бинокорлари ётқиздилар.

ИЗЛАНИШ ШАРОФАТИ

● Ғўзапоя, каноп пояси, бошқа техника экинларининг чиқиндиларидан хом ашё сифатида фойдаланилмоқда.

Янгийўл мебель фабрикаси мутахассислари ана шу хом ашёдан енгил ва мустаҳкам плиталар тайёрлашди. У мебель ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Аввал ёқиб юбориладиган хом ашёдан фойдаланиш натижасида корхона ҳар йили ўнлаб кубометр камёб ёғочни тежаб қолиш имкониятига эга бўлади

Янгийўл мебель фабрикасида тубдан реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси коллективга янги технологияни жорий этишга, маҳсулот турларини янгилашга имкон беради.

ХУШБИЧИМ ВА АРЗОН

● Қўқон пойабзал фабрикаси меҳнаткашлари халқимизнинг: «Ёз ғамини қишда еғи» нақлига биноан иш юритишмоқда.

Корхонанинг барча 24 та поток линияси ҳозир баҳор-ёз маҳсулотларини тайёрлашга ўтказилди.

Пойабзал турлари анча кенгайтирилди. Эркаклар ва болаларнинг сандаллари, аёлларнинг ёзда киядиган енгил оёқ кийимлари, ўсмирлар пойабзали тайёрланмоқда. Айни вақтда ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ярмидан кўпроғи болалар пойабзалига тўғри келади.

Қўқон пойабзалчилари Биринчи Майгача савдога икки миллион жуфт пойабзал жўнатишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА НАВОИЙ НОМИДАГИ ВА ҲАМЗА НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари комитети Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза номидаги 1990 йилги Давлат мукофотларини олиш учун ишлар 1990 йилнинг 1 июлигача қабул этилишини маълум қилади.

Мукофотга даъвогарларни кўрсатиш ва улар материалларини расмийлаштириш чоғида Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Давлат мукофоти тўғрисидаги низомга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1981 йил 14 июнда тасдиқлаган қарорга асосланиш керак.

Даъвогарларни кўрсатиш ва материалларни расмийлаштириш билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700027, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси 98-уй. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон ССРнинг адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Навоий номидаги ва Ҳамза номидаги Давлат мукофотлари давлат комитети. Телефонлар: 45-83-26, 45-85-20.

ТИЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН—АМАЛДА

«ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ ЎЗБЕК ТИЛИДИР».

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 1-моддаси ана шу сўзлар билан бошланиши бежиз эмас. Бугунги кунда ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантириш ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилиниши таъминланаётир. Негаки, тил миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир. Социализмни, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, халқларнинг миллий ва байналмилал ўзлигини англашининг ўсиши миллий тилларни ҳар томонлама ривожлантиришни тақозо этаётир. Шу билан бирга миллий ва рус, рус ва миллий тилларда муроқот қилишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратилаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида ҳозир тил масалалари ҳаммамизнинг диққат марказида турганлиги қайд этилди. Бу тасодифий эмас. Тил — миллатнинг қалб тори ва унинг аҳволига қараб ҳар қандай халқ ўзини қандай ҳис этаётганини бехато аниқлаш мумкин. Бизнинг тилларга муносабатимиз аниқ-равшан. Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши даврининг талаби этган қонуниятидир. Она тилини билмаса, уни ҳурмат қилмаса маънавий жиҳатдан тўлақонли шахснинг ўзи ҳам бўлмайди. Бусиз миллат ривожланмайди. Унинг келажаги ҳам йўқ.

Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида таъкидланганидек, миллий-маданий эҳтиёжларни тўла-тўкис қондириш учун аниқ-равшан тадбирлар кўрилади. Ўзбекистон Компартияси ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети қабул қилган Қонунни қатъият билан ва оғишмай амалга оширади.

Редакцияга келаётган мактубларда давлат тили кенг қўлланилаётганлиги ҳақидаги хабар оқими кўпаймоқда. «Областимизда шифокорлар касаллик варақасини давлат тилида юритишмоқда, — деб ёзади Сурхондарё область соғлиқни сақлаш бўлими мудири М. Холматов. —Бинобарин, биз хасталикнинг олдини олиш, бемор олдида масъулиятни янада кучайтиришга эътиборни қаратяпмиз». Аммо, афсуски, айрим область, шаҳар ва районларда давлат тилини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги ҳақидаги хабарлар ҳам йўқ эмас. Айниқса давлат ҳокамлиги маҳкамаларида корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ўртасидаги хўжалик низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда, лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот воситаларини тайёрлашда суст кетилаётир. Узбекча машинкалар, синхрон таржима аппаратлари сотиб олишни йўлга қўйиш керак. Корхона, ташкилот, муассаса ва идоралардаги муҳр, штампель ва лавҳаларни алмаштириш лозим. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида кўча номларини ёзишда бир неча хатоликларга йўл қўйилдики, бу ортиқча маблағ сарфлашга олиб келди. Бундай шошма-шошарлик билан иш тутиб бўлмайди. Партия, совет, жамоат ташкилотлари, министрликлар ўзларига бўйсунувчи соҳа доирасида Қонун талабларига риоя қилишларига шахсан жавобгар эканликларини унутмасликлари керак.

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Наманган областида ўзбек тилини, бошқа тилларни ўрганиш тўгараклари ва курслари тармоғи кенгайиб бораётир. Наманган давлат педагогика институти негизида махсус кафедра очилди. Тилшунос олимлар эски ўзбек ёзувини ўрганишга доир қўлланма тайёрладилар. Областда тажриба тариқасида шу йилданоқ ўқувчиларга ана шу ёзувни ўргатишга киришилмоқда.

Хоразм областида 70 дан зиёд миллат ва элатларга мансуб аҳоли истиқомат қилаётир. Сўнгги икки йил мобайнида областда битта туркман тили ва иккита қозоқ тили мактаблари очилди. Буларда тўрт тилда таълим берилмоқда. Қўшкўпир районидаги «Иттифоқ» колхозининг икки мактабида кўпчилик аҳолининг фарзандлари она тили ва форс тилини ўрганмоқдалар. 1990 йилда қозоқ тилида таълим берадиган бешта болалар боғчаси ва туркманлар учун битта болалар боғчаси очиш мўлжалланмоқда. Тўртта районда эса эски ўзбек ёзувини ўрганиш курслари ишлаб турибди. Юқори синф ўқувчилари ва ҳунар-техника билими талабалари меҳнат отрядлари билан мамлакатнинг турли шаҳарларига боришмоқда, байналмилал дўстлик клублари, СССР халқлари тарихи ва маданиятини ўрганиш клублари очилмоқда. Бу эса дўстликнинг қулф уриб яшнашига ёрдам беради. Бундай тажрибани кенг қўллаш, ўрганиш ва оммалаштириш лозим.

Ўзбек тилини ўқитишнинг энг янги, самарали услубларини тайёрлаш, давлат тилини жадал ўрганиш курсларини ишлаб чиқиш зарур. Тилшунос олимлар бу борада фаол-лик кўрсатишлари керак.

Мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчиларни, мактабгача тарбия болалар муассасалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун шарт-шароит яратиш — энг муҳим вазифадир. Аммо бу иш секинлик билан бораётир. Рус мактабларидаги ўқувчиларнинг ва аҳоли барча табақаларининг ўзбек тилини ўрганишга оид ўқув планлари ва программаларини зудлик билан ишлаб чиқиш зарур. Республика Халқ таълими министрлиги ва органлари бу борада синчковлик ва масъулият билан иш юритишлари лозим. Партия, совет ташкилотлари, мафкура фаоллари одоб доирасида иш юритиб, тил негизида муносабатларни кескинлаштиришга ҳар қандай уринишларнинг пайини қирқишлари даркор!

Вазифа — ўзбек тилини ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги давлат ғамхўрлигини амалга оширишдан ва унинг давлат ҳамда жамоат органларида, маданият, маориф ва муассасаларда қўлланишини таъминлашдан иборат. Шундай экан, бу масъулиятли вазифани адо этиш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг бурчимиздир!

ИТТИФОҚДА ЯГОНА

ЛОИИҲА қуввати бўйича 8,6 миллион дона бройлер тайёрлашга ихтисослашган йирик Тошкент гўшт ишлаб чиқариш бирлашмасида яна бир муҳим янгилик юз берди. Бу ерда мамлакатимизда биринчи бўлиб «сўқим цехи иш бошлади. Янги цехни Голландиянинг «Мейн» фирмаси технологик ускуна билан жиҳозлаб, фойдаланишга топширди. Бундан бир оз илгари фирма вакиллари кўп фабрикатлар тайёрлайдиган автомат линияни ишга туширган эдилар. Эндиликда икки линия бир маромда ҳаракат қиляпти.

«Мейн» фирмаси Иттифоқимизнинг ўндан ортиқ, жумладан Андижон, Фарғона, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССРдаги паррандачилик корхоналарини ҳам юқори қувватли бройлер линиялари билан жиҳозлаб беради. Жаҳонга машҳур бу фирма парранда гўшти йўналишидаги корхоналарга автомат-ускуналар етказиб бермоқда. Фирма Европа, Америка ва Осиё мамлакатларига бевосита хизмат қиляпти.

— Фирма тез орада Андижон бройлер фабрикасида реконструкция ишларини бошлайди, — дейди «Ўзптицепром» раиси ўринбосари Т. Савкин. — 1990 йилдан эса Каттақўрғон бройлер фабрикасида чет эл ускуналари монтаж қилинади.

Афсуски, Каттақўрғонда сўқим цехи қурилиши чўзилиб кетмоқда. Цех бошлиғи (голландчасига — маҳсулот инженери) ёш мутахассис О. Аҳмедов фикрича, янги линиялар ўрнатилгандан кейин соатига 3 минг бош паррандани қайта ишлаш мумкин бўлади. Бу линияларни 16 киши бошқаради. Шартнома бўйича «Мейн» фирмаси вакиллари кадрлар тайёрлашда ҳам ёрдам беришади.

—Автомат ускунани сотиб олишга кетган валютани икки йил ичида чиқариб оламиз, — дейди паррандачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори А. Содиқов. — Бунинг учун мазкур линиялардан тўлиқ фойдаланмоғимиз керак.

Хуллас, «Узптицепром» коллективи фан-техника тараққиёти асосида тармоқни ривожлантириш, Ватанимизда ва чет эллардаги янги технологияни кенг жорий қилиб, юксак марраларни эгаллашни мақсад қилиб қўйишган. Улар 1995 йилгача маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баравар оширишни мўлжаллашмоқда.

И. АҲМЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Бухоро область Пешку райони марказида Бухоро шаҳар ишлаб чиқариш фабрикасининг филиали ишга тушганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ҳозирданоқ бу коллектив ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифати ва салмоғи айниқса диққатга сазовордир. Филиалда ишлар икки сменада ташкил қилинган. Унда 200 га яқин қиз-жувонлар қўлни-қўлга бериб меҳнат қилишяпти. Бу ерда ҳар ойда 100 минг сўмлик ўрнига 120—130 минг сўмликдан ортиқ иш бажарилаётир.

Бундай муваффақиятда фабрика филали илғор ишчиларининг хизмати катта. Улар орасида илғор тикувчи, комсомол аъзоси Ирода Бухронованинг баракали ҳиссаси бор. Меҳнатсевар қиз айни вақтда шу йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот тайёрлаб бермоқда.

Суратда: Ирода Бухронова.

Ҳ. ҚУРБОНОВ суратга.

САМАРАЛИ ВА СЕРМАЗМУН

ЖАКАРТА, 25 январь. (ТАСС). СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимовнинг Индонезияга ташрифи самарали ва сермазмун ўтди. У республика президенти Сухарто таклифига биноан 17 январдан 24 январгача мазкур мамлакатда бўлди.

Индонезия республикасининг давлат бошлиғи билан, ташқи ишлар министри А. Алатас билан учрашувлари, шунингдек иқтисодиёт, молия, саноат ва миллий тараққиётни назорат этиш масалаларини мувофиқлаштирувчи министр Р. Правиро билан, Индонезия ҳукуматининг бошқа министрлари билан музокаралар чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш тўғрисидаги ҳалдашувни, жумладан, ўтган йилнинг кузида Москвада олий даражадаги Совет — Индонезия учрашувида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасида эришилган ҳалдашувларни собиқдамлик билан амалга ошириш учун бутун чоралар билан кўмаклашишга икки томоннинг ҳам интилиши изҳор этилди. Совет Иттифоқи Осиё ва Тинч оқеани регионидаги давлатларга нисбатан ўз муносабатларида Владивосток ва Красноярскда белгилаб олинган йўлга қатъий амал қилажаги қайд этилди. Индонезия томони Совет Иттифоқида амалга оширилаётган қайта қуришга зўр қизиқиш билдирди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар Индонезияда бўлган вақтларида бир қанча йирик плантация хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарида бўлиб, Совет Иттифоқига экспорт қилинаётган тайёр маҳсулот намуналари билан танишдилар. Мамлакат савдо-саноат палаталари вакиллари билан учрашдилар. Индонезиянинг корхона эгалари Совет Иттифоқи билан савдони анча кенгайтиришдан, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан, шу жумладан Ўзбекистон ССР билан бевосита амалий алоқаларни йўлга қўйишдан жуда манфаатдор эканликларини изҳор этишди. Қўшма корхоналарни, шу жумладан Индонезияда пилла етиштирувчи, Ўзбекистонда эса пахта чиқитларини қайта ишловчи ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи, шунингдек пальма ёғини қайта ишловчи қўшма корхоналарни яратиш тўғрисида ҳалдашувларга эришилди. Шу йил кўкламида Индонезия мутахассислари Ўзбекистонга келиб, пилла қурти етиштириш технологияси билан танишишни режалаштирмоқдалар. Индонезия савдо-саноат палатаси делегациясининг Ўзбекистон ССРга ташрифи ҳам мўлжалланмоқда.

Музокаралар тугаганидан сўнг М. И. Иброҳимов билан Р. Правиро эришилган натижалардан мамнун эканликларини изҳор этдилар, Иккала томон ҳам Москвада бўлиб ўтган олий даражадаги Совет—Индонезия учрашуви икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни, хусусан, савдо-иқтисодий соҳадаги муносабатларни ривожлантиришнинг сифат жиҳатдан янги босқичи учун мустаҳкам замин ҳозирлаганини таъкидладилар. Р. Правиро айтганидек, Индонезия билан Совет Иттифоқи ўртасида товар оборотни ҳажми яқин келажакда бир миллиард долларга етиши мумкин.

Ташриф чоғида Индонезия билан Ўзбекистон ўртасида маданият ва бошқа гуманитар соҳаларда, шу жумладан туризм соҳасида бевосита алоқаларни, шунингдек диндорлар ўртасида ўзаро мулоқотларни ривожлантириш имкониятлари ҳам муҳокама қилинди.

(Алексей ПЕТРОВ).

● *Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурини амалга ошириш йўлида*

УЙ ҚУРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

ТОМОРҚАНГИЗНИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг қарори билан аҳолининг шахсий томорқа хўжалиги қарийб икки баробарга кўпайтирилмоқда ёки шу мақсад учун 250 минг гектар атрофида ер ажратилди. Жумладан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурида шундай дейилади: «Ўзбекистон Компартиясининг ташаббуси билан барча қишлоқ аҳлини томорқа билан таъминлаш, томорқа майдонини кенгайтириш юзасидан катта тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Натижада Уй-жой программасини ҳал қилиш, оилаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзларини таъминлашларини яхшилаш, бозорларни тўлдириш, аҳолини иш билан таъминлашни кучайтириш каби бир қанча ҳаётий муҳим ижтимоий вазифалар бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳал этилмоқда».

Бу жуда муҳим сиёсий ва иқтисодий тадбирдир. Чунки кўп йиллар давомида нотўғри сиёсат туфайли деҳқон ердан маҳрум қилинди. Унинг шахсий хўжалигида сабзавот, мева, узум, озуқа етиштириш, чорва ҳайвонларини боқиш имкониятлари чекланилди. Кўпчилик уй-жой қуриш учун ҳам ерга зор бўлиб қолди, яшаш шароити оғирлашди. Аксарият деҳқон хўжалиги юқоридаги маҳсулотларни етиштириш, истеъмолдан ортганини бозорга сотиш ўрнига, ўзи бу маҳсулотларни бозордан сотиб оладиган бўлди. Бу ўз навбатида шаҳар аҳолиси манфаатига путур етказди. Бозорда сабзавот, мева, узум, гўшт ва бошқа маҳсулотларнинг чакана баҳолари бир неча марта ошиб кетди. Томорқа хўжалиги қисқаргани туфайли кўпчилик хонадонларда болалар деҳқончилик, чорвачилик ишлари бўйича кўникмалардан маҳрум бўла бошладилар. Меҳнат тарбиясига путур етказилди.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, шахсий томорқа хўжалигидаги ер майдонининг икки баравар кенгайтирилиши юқоридаги нохушликларни камайтиришга, озиқ-овқат муаммоси кескинлигини пасайтиришга қаратилган инқилобий тадбирдир.

Маълумки, ер берилиши билан якка тартибда уй-жой қурилиши ишлари шиддат билан авж олади. Чунки одамларнинг уй шароитлари ҳаддан ташқари оғир бўлгани шунга мажбур қилади. Кузатишларнинг дастлабки якуни шуни кўрсатяптики, аҳолининг аксарияти яна ўзимизнинг эски усулда, яъни гуваладан, лойдан ёғоч синчли уйлар қуришмоқда. Бундай усулда уй қуриш бир қарашда арзондек туюлса ҳам, чуқурроқ ўйлаб кўрилса бунинг акси эканлигига ишонч ҳосил қилинади. Сабаби бундай уйлар кўпи билан 50 йилда янгиланади ёки бизда ҳар бир авлод ўзига уй қуришга мажбур. Ишлаб топган пул жамғармасининг ярми уйга сарфланади, бутун умри қийинчиликда ўтади. Бу уйларнинг аксарияти бир қаватли, ҳаттоки ертўлага ҳам эга бўлмайди. Хуллас, ердан уй-жой қурилишида унумли фойдаланилмайди.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушиб қолди. Бир неча йил муқаддам Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридаги 17 қаватли меҳмонхона биносини «кам қаватли қурилгани учун ерни исроф қиляпти», — деган мулоҳаза билан портлатилганини телевизор экранида кўрсатишган эди. Чунки бу шаҳарда бир гектар ер ҳозирги кунда 60 минг доллар туради, бу биздаги пулга солиштирилганда 600 минг сўм демакдир.

Бу соҳада Грузия, Болтиқбўйи республикаларида одат тусига кирган тартиб ибратлидир. Бу ерлардаги турар-жой бинолари аксарият пишиқ ғиштдан ва икки-уч қават қилиб қурилади. Бу аввало ернинг исроф бўлмаслигини ва қурилган иморатларнинг 250—300 йилдан кўп туришини таъминлайди. Бир авлод қурган уйда 5—6 авлод яшайди. Топган пулини уй қуриш учун эмас, балки яхши яшаш учун сарфлайди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, улар қурган уйларда ҳамма шароит: душ, иссиқ ва совуқ сув ва ҳоказолар мавжуд. Бизда-чи?..

Бизнинг уй қуриш усулимиз нотўғрилигини, бир қаватли уйлар қуриш оқибатида бизга ажратилган ерларни мутлақо қадрламаётганимизга қўйидаги солиштириш орқали ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Аҳолининг йиллик табиий ўсиши Литва ССРда 0,51, Латвия ССРда 0,33, Эстония ССРда 0,41, Иттифоқимизда эса ўртача 0,87 процент бўлгани ҳолда Ўзбекистон ССРда 2,83 процентни ташкил этади ёки Болтиқбўйи республикаларига нисбатан 7 марта, СССРга нисбатан эса 3,5 марта кўпдир. Жон бошига ҳисоблаганда ҳайдаладиган ер ва жамоат чорваси учун ўтлоқ Литва ССРда 0,62 ва 0,081, Латвия ССРда 0,63 ва 0,074, Эстония ССРда 0,63 ва 0,127, СССРда 0,79 ва 0,113 бўлгани ҳолда Ўзбекистон ССРда бу рақам 0,23 ва 0,005 гектарни ташкил қилади, холос. Ёки жон бошига республикамизда Болтиқбўйи республикаларига нисбатан ҳайдаладиган ер 3 марта, ўтлоқлар эса 19 марта кам. СССР бўйича солиштирадиган бўлсак, ҳайдаладиган ер қарийб 4 марта, ўтлоқ эса 22 марта кам экан. Нега энди уни исроф қилишимиз керак? Бунга аҳолининг табиий ўсишини қўшадиган бўлсак, бу нисбатан яна бир неча марта кўпаяди: яна 10 йилдан кейин сафимизга 6—7 миллион киши қўшилади. Тағин шунча ер ажратиш имконияти эса бошқа бўлмайди.

Шунинг учун ҳам биз бир ўрнимиз қурилиш индустриясининг ўта қолоқлиги оқибатидир. Ахир, тупроғимизнинг деярли кўпчилик қисмидан ғишт пиширса бўлади. Шағал, қум каби табиий қурилиш материалларига жуда боймиз-ку?!

Агар биз сиз билан бирга ҳаёт ўзи юзага чиқарган, санаб ўтилган саволларга тўғри ва кўпчилик учун мақбул жавоб топа билмасак, нафақат ўзимизнинг, балки авлодларимизнинг келажагини ҳам ташвишга қўямиз. Шунга кўра мен ҳам баъзи бир таклифларим билан ўртоқлашмоқчиман. Энг аввало, ҳар бир колхоз-совхоз ва бошқа аҳоли яшайдиган пунктларида ўзларининг алоҳида ёки хўжаликлараро ғишт пишириш хумдонлари бўлишига эришиш зарур. Шунингдек, хўжаликнинг алоҳида бетон қориш, қурилиш учун зарур бўлган бетон қисмларини тайёрлаш, ёғочни қайта ишлаш цехларини қуриб ишга тушириш, мавжудларини эса тўла қувват билан ишлатишга эришиш лозим.

Аҳолини тайёр дераза-эшиклар ва бошқа бино қуриш учун керак бўладиган саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ва аҳоли талабига асосан уларни қурилиш жойларига ўз вақтида етказиб беришни таъминлайдиган махсус бригадалар ташкил қилишимиз керак. Токи одамлар ўзининг қимматли вақтини материал ахтаришдек беҳуда юмушларга кам сарфласин.

Якка тартибда уй қурувчилар эътиборига арзонга тушадиган, икки қаватли, маҳаллий шароитни ва табиий иқлимни ҳисобга оладиган, бетон ва ғишт каби замонавий қурилиш материалларидан қуришга мўлжалланган уйларнинг турли лойиҳаларини тайёрлаб тақдим этиш керак. Токи одамлар ўз имкониятлари ва дидларига қараб, уларни танлаб олиш имкониятига эга бўлсинлар. Бунинг учун лойиҳачилар ичида махсус конкурслар ташкил этиб, маҳаллий меъмор ва лойиҳачиларни бу ишга жалб қилиш лозим.

Якка тартибда икки ва ундан юқори қаватли пишиқ ғиштдан ва бетондан уй қуришни хоҳлаганларни турли йўллар билан рағбатлантириш, давлат ҳисобидан қарз бериш, арзон қурилиш материаллари билан таъминлаш усулларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тикланаётган уйларда барча коммунал имкониятлар: табиий газ, ичимлик суви, ҳаммом бўлиши учун керакли хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ишини яхшилашимиз керак. Кишилар уйга кириб улгурмасдан ремонт қилишга ёки қайта жиҳозлашга мажбур бўлишмасин.

Иложи борича, айниқса қишлоқ жойларида, уйларнинг ертўласи билан қуришга эришишимиз лозим. Бу келажакда яшаш учун қўшимча қулайлик яратиши билан бирга, етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини узоқ муддат бузилмасдан сақланиши учун имкон беради.

Бу тадбирларни амалга ошириш орқали биз бугунимиз ва келажагимиз учун ҳаёт манбаи бўлган она еримизни ортиқча исроф бўлишидан сақлаб қоламиз. Шунингдек, халқимиз турмуш шароитининг яхшиланишига эришамиз.

А. АБДУРАҲИМОВ,
СССР халқ депутати, Наманган районидаги Свердлов номли колхоз раисининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди.

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

БОКУ, 25 январь. (ТАСС махсус мухбири). Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси Аёз Ниёз ўғли Муталибов бир неча номзодлар орасидан Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаков, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Гиренко нутқ сўзладилар.

• *18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни*

Ўзбекистон Компартияси шуни маълум қиладики, партия комитетлари ва ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иши партияга мансублигидан қатъи назар, қайта қуришнинг фаол тарафдорлари, жамият барча қатламларининг энг яхши вакиллари — ишчилар, колхозчилар, ақлий меҳнат ходимлари, ветеранлар ва ёшлар, республикамизда яшаётган барча миллатлар ва элатларнинг ўғил-қизлари депутатлар этиб сайланишига қаратилади.

(Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастуридан).



ХАЛҚ ИШОНЧИ

Қарши районидаги «Ленинизм» совхози сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Фарҳод Турсунов район қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгашида муҳим ташаббус билан чиқди.

Унинг фикрича, ҳар бир хўжаликда сабзавот, мева, полиз, узум етиштиришга ихтисослаштирилган алоҳида бўлимлар ташкил қилинса, Озиқ-овқат программасига муносиб ҳисса қўшилиши мумкин. Зеро, унинг сайловолди режаларининг асосини ҳам ана шу ният ташкил қилади. Фарҳод Турсунов яқинда 215-Бешкент сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Агар мен депутат қилиб сайлансам районимизнинг ҳар бир хўжалигида сабзавотчиликка ихтисослашган бўлимлар ташкил этилишига ҳаракат қиламан.

Бригадирнинг бу сўзлари ўзининг бой тажрибасига асосланган. Коллектив 65 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Ўтган йили область маркази ва Қарши райони аҳолисига 800 тонна сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари жўнатилди. Бу пландагидан 160 тонна кўп. Бригада 60 минг сўм соф даромад кўрди. Бундан ташқари шаҳарликларнинг янги йил дастурхонига ёпиқ даладан 800 килограмм лимон, кўплаб помидор етказиб берилди. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси минерал ўғитлар ишлатилмай, маҳаллий ўғитлар ҳисобига етиштирилди.

Суратда: Фарҳод Турсунов бригада теплицасида.

Ш. ШАРОПОВ сурати (ЎзТАГ).

Номзод ўз номзоди ҳақида

САЙЛАНСАМ, САЙЛАНМАСАМ ҲАМ...

Ғаллаорол районидаги 367-сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олинганимданоқ сайловчилар билан учрашувларга ошиқяпман. Тўғри, дастлабки учрашувларда ўзимни ноқулай сездим. Ёши мендан улуғ, турли касбдаги, илмли кишилар олдида хаёлдаги режаларни равшан баён этиш ҳам қийин бўларкан. Лекин барибир, меҳнаткаш халқ орзу-умидини билиш, уларнинг дарду ҳасратини тинглаш истаги менга тинчлик бермаяпти. Натижада тезда «Башарти депутат бўлсам» деган ҳаракат дастуримга қатор ўзгартиришлар киритдим. Қишлоқларимизда шунчалик кўп муаммолар тўпланиб қолганлигини, уларни бартараф этиш учун қанча куч, маблағ зарур бўлишини тўла тасаввур қилмаган эканман.

Эътибор қилинг, Бахмал, Қашқабулоқ, Қарангул каби ўнлаб қишлоқлар аҳолиси хонадонларини газлаштириш, ичимлик сув билан таъминлаш, замонавий мактаб, боқча қурилишига ёрдам беришни сўрашмоқда. Эсимни таниб-манки, шу гапларни эшитаман. Ахир, бу талаблар шунча йилдан бери қишлоқ Совети депутатидан тортиб, Олий Совет депутатигача неча бор наказ қилиб қўйилган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, бу юмушлар шу ердаги маҳаллий раҳбарларнинг, мутасадди ташкилотларнинг тўғридан-тўғри бажарадиган вазифаси-ку. Менимча, халқимизнинг бевосита ўз ишини вақтида бажармайдиган раҳбар ходимларга нисбатан талабчанлик қилмаётганлиги, ўзибўларчилик фактлари билан муроса қилиб келаётганлиги оқибати бу.

Республика халқ депутатлари зиммасида эса янада муҳимроқ вазифалар турганлигини ҳис этишимиз керак. Масалан, районимиздаги ҳисоб-китобларга кўра, бизда 2576 нафар ишсиз бор экан. Уларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Бу ҳолни бартараф этиш йўлларини қидириш лозим. Айтайлик, янги саноат корхоналари ташкил этиш, касаначиликни ривожлантириш керак. Бунга қандай қилиб эришса бўлади? Халқ депутати район, область, республика миқёсида бу муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари хусусида бош қотириши лозим.

Менга қолса, 5-10 болани тарбиялаётган аёлларни «ишсиз»лар сафига қўшишга қаршиман. Аксинча, 3-4 нафар ёш боласини боқчага беролмай, уйида тарбиялаётган аёлларга улар ишлаган колхоз, совхоз, корхонадан маълум даражада ҳақ тўлашни жорий этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ахир, бола тарбиясининг ўзи давлатимиз, халқимиз учун муҳим иш-ку. Нима учун қишлоқ аёллари ҳам боқча хизматидан, ҳам ишлаб даромад топиш имкониятларидан маҳрум бўлишлари керак?

Яқинда область газетасида боёвутлик партия ходимининг депутатликка номзодлар ҳақидаги фикрини ўқиб, энсам қотди. Унингча, космос асрида халқ депутатидек шарафли ваколатни оддий ишчи ёки деҳқонга бериб қўйиш фойдали бўлмасмиш. Ишчи-деҳқонлар мамлакатни бошқариш, мураккаб муаммоларни ҳал этишга ожиз эмиш. Оддий ишчи бўлганлигим туфайли бу сўзлар менга оғир ботди. Савол туғилади: ўша колхоз партия комитети секретарининг ўзи кимнинг вакили? Ишчи-деҳқонлар партиясининг эмасми? Қолаверса, юқорида таъкидлаганимдек, Совет ҳокимияти ташкил топганлигининг 73-йилига келиб, қишлоқларда оддий рўзғор юмушларини йўлга қўйиш ҳам халқ депутати зиммасига тушаётганлиги шу каби раҳбарларнинг лоқайдликлари, баландпарвоз сўзлари оқибати эмасми?

Балки, мен халқ депутатлигига сайланмасам. Лекин оддий ишчи, коммунист сифатида ўз қарашларим, ғоям учун курашаверараман. Қишлоқ ҳаётини қайта қуришга тўсқинлик қилаётган ҳар бир кўринишга муросасиз бўлишни ўзимнинг инсоний бурчим деб биламан ва сайловчиларни ҳам шунга даъват этаман.

Сайёра БОБОМУРОДОВА,
Ғаллаорол паррандачилик фабрикасининг ишчиси.

• *Партия турмуши: фаоллик даври*

ҲАРАКАТДА — БАРАКАТ

Бухоро область партия комитети ва «Совет Ўзбекистони» газетаси ўтказган давра суҳбати Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови муносабати билан Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастурига бағишланди. Давра суҳбатида Навоий район «Ленинград» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, область партия комитети бюроси аъзоси Г. Саноқулова, «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси Л. Жолудева, Ғиждувон районидаги «Кўкча» давлат наслчилик хўжалиги ферма мудири А. Жамолов, Конимех район партия комитетининг биринчи секретари Ж. Нуруллаев қатнашдилар. Суҳбатни область партия комитетининг секретари Й. Саиджонов олиб борди.

Й. САИДЖОНОВ: — Бундан уч ойча муқаддам область партия ташкилоти жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиб, сайловолди ҳаракат дастурини ишлаб чиққан эди. Дастур маҳаллий ахборот воситалари орқали кенг меҳнаткашлар оммасига етказилди.

Айни маҳалда областда ташкил қилинган 706 та агитпункт, 114 та тарғибот клуби, 55 та ахборот-ташвиқот маркази тобора кўп кишиларни ўзига жалб қилмоқда. Уларнинг номи турлича бўлгани билан кўзда тутилган мақсад битта — барча меҳнаткашларни Ўзбекистон Компартияси атрофида жипслаштириш, Ўзбекистон ССРни миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожлантиришнинг, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг Асосий йўналишларини бажаришга сафарбар этишдир.

Меҳнаткашлар ўртасида иш олиб боришнинг турли шаклларидан фойдаланмоқдамиз. Область партия комитети тузган ишчи группалари ҳаракат дастурини тарғиб қилиш тажрибасини ҳар томонлама ўрганиб, оммалаштирмоқда. Партия комитетлари жойларда ташкил қилган тарғиботни йўналтириб турувчи кенгашлар сайловолди кампанияси давомида жамоатчилик изҳор этаётган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш билан шуғулланяпти. Йирик корхоналар, маданий-оқартув муассасалари ҳузурида ахборот-ташвиқот марказлари ишлаб турибди. Бухоро шаҳридаги уйсозлик комбинати маданий-спорт иншоати, Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи, Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхози, Свердлов ва Қорақўл районлари маданият уйлари ҳузурида фаолият кўрсатаётган ахборот-ташвиқот марказлари тўплаган тажриба ҳар жиҳатдан ибратлидир.

Область партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурига таянган области норасмий уюшма вакилари билан мулоқот олиб бориш, Бухородаги меъморчилик ёдгорликларини таъмирлаш, экологик вазиятни соғломлаштириш муаммоларини ҳал қилишда ўзаро ҳамкорлик кўрсатиш йўлини тутмоқда, сайловолди кампанияси давомида жамоат ташкилотларидаги коммунистлар кучгайратига таянмоқда.

Областимизда саксондан зиёд миллат вакиллари яшаб меҳнат қилмоқда. Кичик миллат вакилларининг сермазмун ҳаёт кечириши масаласи алоҳида диққат марказида. Область марказида бухоролик корейслар маданий маркази иш бошлади. Форс-тожик халқи маданий марказини ташкил қилиш масаласи ижобий ҳал бўлди. Бундай тадбирлар сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Улар областда маънавий муҳитни янада соғломлаштиришнинг янги тадбирларини таклиф этмоқдалар.

Жойларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига, маҳаллий Советлар депутатлигига кўрсатилган номзодлар сайловчилар билан ўтказилаётган мулоқотларда ўзларининг ҳаракат дастурлари билан кенг таништирмоқдалар, меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитмоқдалар.

Томчида қуёш акс этганидек, номзодларнинг бўлажак программаларида билдирилган фикрлар КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномаси, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг сайловолди ҳаракат дастурига ҳамоҳанг чиқмоқда.

Г. САНОҚУЛОВА: — Мен бу фикрингизни аниқ мисоллар билан далилламоқчиман. Халқ депутатлари иккинчи съезди ўз ишини давом эттираётган кунларда районимизда бутун республикада бўлгани каби Ўзбекистон Компартияси ташаббуси билан қишлоқ аҳлини томорқа ери билан қўшимча таъминлаш иши охирига етказилди. Экин майдонларининг деярли минг гектари шу мақсадда қишлоқ аҳлига тақсимлаб берилди.

Навоийликлар сайловолди учрашувларида бундай ғамхўрлик учун партиямиз ва давлатимизга самимий миннатдорчилик изҳор этмоқдалар. Лекин улар умумий ишимизга зиён етказаётган жиҳатлар тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

Жумладан, шундай учрашувларнинг бирида Навоий шаҳар саноат корхоналари раҳбарлари шанига айтилган танқид сўзларининг гувоҳи бўлдим. Бир пайтлар бизлар ёнимизда йирик индустрия маркази барпо қилинишидан хурсанд бўлиб, унинг ёрдамида кўпгина ижтимоий муаммоларимиз ҳал қилинади, деб умид боғлаган эдик. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Аммо Навоий электрохимия комбинати, «Навоийазот» бирлашмаси, цемент заводи, ГРЭС каби корхоналар атроф-муҳитга катта зиён етказмоқда, экологик вазият эса танг аҳволга тушиб қолди. Сайловчилар халқ депутатлигига номзоддан бу масалани ҳал қилишга амалий таъсир ўтказишни талаб қилишди.

Л. ЖОЛУДЕВА: — Улар тўғри талабларни қўйишмоқда. Дарҳақиқат, ўн йиллар давомида корхоналаримиз кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш пайида бўлиб, бунинг салбий оқибатлари тўғрисида ўйланмаган. Энди шошилинч тадбирларни кўришга тўғри келмоқда. Масалан, бизнинг бирлашмада кейинги йилларда экологик тадбирларга ҳар йили ўрта ҳисобда 1,5—2 миллион сўмдан сарфланмоқда. Сув манбаларига, ҳавога чиқариб юборилаётган чиқитлар кескин камаймоқда. Агар 1983 йилда 158,9 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ҳавога 20,6 минг тонна, сув ҳавзаларига 15,6 минг тонна чиқит ташланган бўлса, 1988 йилда ялпи маҳсулот 247,2 миллион сўмликка ўсганлигига қарамай ҳавога 10,5 минг тонна, сув ҳавзасига 5,8 минг тонна чиқит ташланган, холос.

Бироқ бу ҳам кўплик қилади, албатта. Шуни назарда тутиб, биологик тозалаш иншоотларимиз қувватини икки бараварга кенгайтириш ниятимиз бор. Бунга давлат марказлаштирилган тарзда 12 миллион 810 минг сўмлик маблағ ажратмоқда. Бундан ташқари Навоий ва Қизилтепа районларига таъсири сезилаётган ахлат тўплагични такомиллаштириш, уни сейсмик жиҳатдан мустаҳкамлаш тадбирлари кўзда тутилган. Бирлашманинг экологик муҳитни айниқса кўп бузаётган бир қатор цехларини ёпиш, бошқаларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ўзгартириш, нисбатан экологик соф технологияларни жорий этиш режалаштириб қўйилган.

Бирлашмамиз бош директори В. Крупин 177-Школьний сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган. У сайловчилар билан учрашувларда баён этаётган ҳаракат дастурида бу вазифалар тўлақонли ифодасини топган. Нафақат қўшни районлар, шаҳардаги сайловчилар ҳам депутатликка номзоддан бу масалалар бўйича аниқ иш режаларини талаб этишмоқда. Сайлов округи бўйича яна иккита номзод рўйхатга олинган. Агар сайловчилар талабларига амалий иш билан жавоб берилмаса, номзодимиз ютқазиб қўйиши аниқ.

Й. САИДЖОНОВ: — Бундан келиб чиқадики, бирлашма коммунистлари ўз номзодлари учун кураш олиб борар эканлар, бир сайлов округи билан чекланмасликлари лозим. Қўшни район меҳнаткашлари ўртасида ҳам тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

Л. ЖОЛУДЕВА: — Фикрингизга қўшиламан. Сирасини айтганда бу ишга киришдик. Яқинда бирлашма партия комитетининг бир группа тарғиботчилари Навоий районининг «Ленин йўли» колхози аъзолари ҳузурида бўлиб, кўпмингкишилик коллективимиз амалга ошираётган ишлар, шу жумладан экологик тадбирлардан уларни хабардор қилишди. Биз бу ишни мунтазам йўлга қўямиз.

А. ЖАМОЛОВ: — Менимча ошкоралик ҳамма жойда ҳам ўзига кенг йўл очиб бормоқда, дейишга ҳали эрта. Биз — «Кўкча» давлат наслчилик хўжалигида меҳнат қилаётган чўпонлар бу нарсани, айниқса яққол ҳис этмоқдамиз. Конмаъдан комбинатининг айрим коллективлари саҳро табиатига тиклаб бўлмайдиган зиён етказишмоқда. Улар маъданни қазиб олишгандан кейин қайтиб бу жойларни текислаш, унга саксовул ва бошқа саҳро ўсимликларини экиш тўғрисида қайғуришмаяпти.

Умуман, бу корхона бизнинг яйловларда олиб борадиган ишлар режасидан на «Зафаробод» қишлоқ Совети депутатлари, на хўжалигимиз аъзолари бехабар эканлиги таажжублантиради. Ахир, Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастурида «Республика территориясидаги ишлаб чиқариш, фан-техника потенциали, ер, ер ости, сув ва бошқа табиий бойликлар Ўзбекистон ССРнинг мулкидир. У мазкур бойликларни аввало ўз халқининг, шунингдек ССР Иттифоқи халқларининг манфаатлари йўлида мустақил равишда тасарруф этади», деб айтилган-ку!

И. САИДЖОНОВ: — Жуда ҳаққоний талаб. Қайта қуриш, ошкоралик даврида танқид учун тақиқланган зоналар бўлиши мумкин эмас. Сайловчилар халқ депутатларидан, бу шарафли номга ўз номзодини қўйган кишилардан энг ўткир муаммоларни тезроқ ҳал этадиган, кескин вазият вужудга келган жойлардаги аҳволни юмшатадиган, миллий адоватни тинчитадиган амалий ҳаракатларни кутишмоқда.

Ж. НУРУЛЛАЕВ: — Буни мен районимиз партия ташкилотида кейинги вақтларда юз бераётган воқеалар асосида далиллашим мумкин. Яқинда ёнимга қорақалпоқ миллатига мансуб бир гуруҳ коммунистлар келишди. Улардан бирининг қўлида Ўзбекистон Компартияси ҳаракат дастури бор эди. Қорақалпоқ коммунистлари ҳаракат дастурининг IV бўлимида баён этилган қоида ва хулосалар асосида район мактабларида ўз миллий тилларида таълимни ташкил қилишни талаб этишди.

Нима ҳам дейиш мумкин. Ҳақли талаб. Райком олдиндан бу тўғрида ўйлаб қўйган эди. Шу йилнинг сентябридан бошлаб 26-мактабда синов тарзида биринчи синфда таълим-тарбия қорақалпоқ тилида ташкил қилинди. Лекин бу камлик қиларди, албатта. Чунки районда истиқомат қиладиган аҳолининг 22,7 фоизини қорақалпоқликлар ташкил қилади. Улар мактабларда ўз миллий тилларида таълим олишга тўла ҳақли. Фақат бу ишни дарров қилиб бўлмайди. Четдан мутахассис келишига умид боғлаш қийин. Демак, биз райондаги ёшлар ҳисобига ўз тилида таълим беришга қодир мутахассисларни тайёрлашимиз лозим.

Биз райкомда қорақалпоқ сафдошларимизга бу масаладаги қийинчиликларимизни очиқ айтдик. Улар амалий ёрдам кўрсатишга ваъда беришди. Ўқув йили тугагандан кейин бир гуруҳ битирувчиларни Нукус олий ўқув юртларига таълим олиш учун жўнатамиз. Яқин келажакда қуриладиган мактаблардан бирида таълим тўла равишда қорақалпоқ тилида олиб борилади.

Мактаблар, боғчалар қурилишида эса кўпгина муаммолар манжуд. Райондаги 37 та мактабнинг атиги тўрттаси, 28 та болалар боғчасининг фақат тўққизтасигина замонавий биноларда жойлашган. Социал қурилишнинг бошқа соҳаларидаги муаммолар ҳам сайловолди кампанияси даврида ўткир қилиб қўйилмоқда.

Хўжалик ҳисоби, ўзинийўзи маблағ билан таъминлаш ижтимоий қурилиш учун яхши имкониятларни вужудга келтиряпти. Ҳозир «Шофиркон» давлат наслчилик хўжалигида олинган даромадлар ҳисобига ҳаммом ва чойхона қурилишига киришилган. «КПСС XXV съезди» совхозида янги клуб қурилиши давом этмоқда. Бошқа хўжаликларда ҳам социал қурилиш сари юз тутилган.

Район партия ташкилоти мавжуд ишчи кучларини иш билан таъминлаш, аҳолининг даромадларини ўстириш тўғрисида ғамхўрлик қиляпти. Яқинда Свердловск шаҳридан «Турбомотор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларини районимизга таклиф қилдик. Ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишиб олинди. Биз бирлашма учун бино ажратамиз. Улар районда ўз филиалларини ташкил этадилар. Демак юзлаб ёшлар иш билан таъминланади. Яқин вақт ичида районда бир неча янги хўжалик ташкил қилиш режаларимиз ҳам бор.

Мен суҳбатимни миллий масаладан бошлаган эдим. Шу билан тугатмоқчиман. Назаримда область матбуотида байналмилал тарбия тўла қамраб олиб борилмаяпти. Жумладан, бизнинг районда кўпчиликни ташкил этадиган қозоқлар, қорақалпоқларнинг турмуш тарзи, миллий анъаналари тўғрисида мақолаларни камдан-кам ўқиймиз.

Й. САИДЖОНОВ: — Фикрингизга тўла қўшиламан. Область партия комитетининг бундан илгариги пленумида «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» бўйича КПССнинг ҳаракат дастури қоидаларини амалга ошириш юзасидан партия ташкилотимизнинг иш программасини қабул қилдик. Унда байналмилал даврамиздаги кичик миллатлар ҳаётини кўпроқ ёритиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Область оммавий ахборот воситаларида бу соҳада амалга оширилган муайян тадбирларни ҳам назарда тутмоқ лозим. Мана, деярли бир йилдан буён «Бухоро ҳақиқати» область газетаси тожик тилида саҳифалар бериб бормоқда. Шундай саҳифа Ғиждувон, Ромитан, Шофиркон, Бухоро район газеталарида ҳам пайдо бўлди. Область радиоси тожик, қозоқ тилида мунтазам эшиттиришлар олиб бормоқда.

Яқинда область партия комитетининг навбатдаги пленумида «Бухоро ҳақиқати» ва «Советская Бухара» область газеталари редакторлари А. Т. Ниёзмуродов ва А. С. Канушкиннинг ҳисоботини тингладик. Пленум уларга байналмилал тарбия соҳасидаги ишни янада кенгайтиришни топширди.

Шунингдек, пленумда Литва Коммунистик партияси XX съездининг «КПСС Литва Республика ташкилотини қайта тузиб, мустақил Литва Коммунистик партиясига айлантириш тўғрисида»ги қарорига муносабат билдирилди. Партия комитетимиз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг бу соҳада олиб бораётган ишини тўла қўллаб-қувватлаб, литвалик коммунистларни тўғри йўлга қайтишга даъват этишди. Ўйлайманки, бугунги давра суҳбатимиз иштирокчилари ҳам бу фикрга қўшилишади...

Суҳбатни «Совет Ўзбекистони» мухбири Н. НАИМОВ ёзиб олди.

«Известия ЦК КПСС» журналининг навбатдаги сони

«Известия ЦК КПСС» журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Журнал партия Марказий Комитетининг 1989 йил декабрь ойидаги иши тўғрисидаги ахборот, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва КПСС Марказий Комитети Секретариати составидаги ўзгаришлар, КПСС Марказий Комитети Россия бюросининг состави ҳақидаги ахборотлар билан очилади. Марказий Комитет Сиёсий бюросининг студентлар Бутуниттифоқ анжуманининг асосий якунлари ҳақидаги ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш учун раҳбар коммунистлар масъулиятини ошириш тўғрисидаги қарорлари ҳам эълон қилинган. «Марказий Котет қарорлари — назоратда» рубрикаси остида партия Марказий Комитетининг бир қанча қарорлари қандай бажарилаётгани ҳақидаги хабарлар берилган.

Журнал КПСС Марказий Комитети Ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари комиссиясининг мажлиси ҳақида ҳикоя қилади, бу мажлисда иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, шунингдек, капитал маблағ самарадорлигини ошириш ва қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш муаммолари муҳокама қилинган эди.

КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг бюроси Марказий Комитет Умумий бўлимининг маълумотнома-қабулхонаси ишини кўриб чиқди. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, маълумотнома-қабулхонада қабул қилинган гражданларнинг 65 фоиздан кўпроғи масалани жойларда ҳал қилишга ёки зарур изоҳни олишга беҳуда урингандан кейин КПСС Марказий Комитетига мурожаат қилган. Маълумотнома-қабулхона ишини текширишга оид журналда эълон қилинган материалларда ана шу ва бошқа фактлар келтирилган.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг ахборотида Амур областидаги айрим раҳбар коммунистлар Озиқ-овқат программасини бажариш чоғида йўл қўйган партия ва давлат интизомини бузиш фактлари кўриб чиқилгани, меҳнаткашларнинг хатлари юзасидан ўтказилган текширишлар, 37 та шикоят аризаси кўриб чиқилганлиги маълум қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида йўл қўйилган репрессиялар билан боғлиқ материалларни қўшимча равишда ўрганишга доир ҳужжатлари «Сафаров, Залуцкий ва бошқаларнинг Ленинграддаги Зиновьевчи аксилинқилобий гуруҳи» деб аталган ишга бағишланган.

Журнал «КПСС XXVIII съезди олдидан» бўлимида КПССнинг янги Уставига доир Марказий Комитетга келган таклифлар, Свердлов область партия ташкилотида мунозаранинг қандай бораётганлиги, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида бир партиявийли ва кўп партиявийлик муаммосининг муҳокамаси билан таништиради.

Бу сондаги бошқа материаллар Украина Компартияси Марказий Комитетининг, КПСС Москва шаҳар комитетининг, Ленинград, Ярославль область комитетларининг, Хабаровск ўлка комитетининг сайловолди ҳаракат дастури, партия статистикаси, бир қанча марказий газета ва журналларнинг обуна тиражлари ҳақидаги маълумотлар, партиянинг кадрлар корпусидаги ўзгаришлар ҳақидаги хабарлар, КПССнинг халқаро алоқалари хроникаси бор.

«КПСС Марказий Комитетининг почтаси» рубрикаси остида журналхонларнинг 1989 йилдаги хатлари шарҳи, К. М. Симоновнинг 1978 йилда КПСС Марказий Комитети номига йўллаган мактуби ёритилган.

Журналнинг архив бўлимида РКП(б) VIII съезди программа комиссияси мажлисининг протоколлари берилган. Л. А. Фотиева, Л. Б. Каменев ва И. В. Сталиннинг ёзишмалари Ленининг «Съездга хат»и билан боғлиқ вазиятни кўрсатиб беради. Журнал «Улуғ Ватан уруши тарихидан» деган янги рубрика очган. Ҳам урушдан олдинги даврнинг, ҳам уруш даврининг илгари номаълум бўлган саҳифаларини ёритадиган жуда кўп архив материаллари эълон қилинади, совет халқининг фашизмга қарши курашининг қаҳрамонона ва фожиали тарихи холисона ёритилади. Журналнинг бу сонида эълон қилинган ҳужжатлар 1935—1940 йиллардаги воқеалар ҳақида ҳикоя қилади. Уларнинг орасида М. Н. Тухачевскийнинг И. В. Сталин тузатиш киритган «Гитлернинг ҳарбий режалари» қўлёзмаси, ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бир қанча қарорлари, армия раҳбарларининг партия Марказий Комитетига ёзган хатлари, шунингдек, С. К. Тимошенко 1940 йил майида СССР халқ мудофаа комиссарлигини К. Е. Ворошиловдан қабул қилиб олганлиги ҳақидаги акт бор. Архив бўлимининг охирида «Известия ЦК РКП(б)» журналининг 1920 йил биринчи сони обзори берилган.

(ТАСС).

Техникага ихлос

Тошкент районидаги Киров номли 9-ўрта мактабнинг ўқувчилари электрон ҳисоблаш машиналарини пухта ўзлаштирмоқдалар. Аввало мактабда бунинг учун анча яхши шароит яратилган. Чунончи, хоналар замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

Суратда: ёш мутахассис Зафар Раҳмонов катта синф ўқувчиларига электрон ҳисоблаш машиналари билан қандай ишлашни тушунтирмоқда. Н. МУҲАММАДЖОНОВ сурати.

«МИР» КОМПЛЕКСИНИНГ ЯНГИ ЭКИПАЖИ

«Мир» орбитал комплексига туташтириладиган навбатдаги транспорт кемасининг парвози 11 февралга белгиланди. Звездний шаҳарчасида орбитага навбатдаги парвозга тайёргарликни ниҳоясига етказган космонавтлар журналистларга таништирилди.

Парвозга даъвогарларнинг биринчи жуфтлигида — 1988 йилги иккинчи Совет — Болгария экспедицияси билан машҳур бўлган кема командири Анатолий Соловьев бор. Кеманинг 36 ёшли борт-инженери Александр Баландин биринчи маротаба парвозга тайёрланмоқда. Ў Москва областининг Фрязино шаҳрида туғилиб, Москва Олий техника билим юртини битирган, «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими.

Иккинчи экипаж командири эса космосга биринчи маротаба парвоз қиладн. Бу 29 ёшли Геннадий Манаков бўлиб, у Оренбург областида туғилган, тажрибали синовчи-учувчи, тўрт йил аввал ўз асосий машғулотидан ажралмаган ҳолда Москва авиация институти дипломини ҳам олган.

Космонавтларни тайёрлаш марказининг бошлиғи Владимир Шаталов экипажларни таништира туриб, уларнинг кемадаги иш программаси ҳақида хабар берди. (ТАСС).

ЛИТВА САФАРИ ТЎҒРИСИДА

М. С. Горбачевнинг 11-13 январь кунлари Литва ССРга қилган сафари тўғрисидаги материаллар тўплами нашр этилди. Тўплам «Умумий муаммоларимизни бирлиқда ҳал этайлик» деб номланган бўлиб, унга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси Вильнюс ва Шяуляй меҳнаткашлари — ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг вакиллари билан учрашувларда сўзлаган нутқлари; 13 январда бўлган республика партия фаоллари йиғилиши тўғрисидаги батафсил ҳисобот, М. С. Горбачевнинг фаоллар йиғилишидаги нутқи, унинг Литвада бўлишига доир бошқа хабарлар киритилган.

Сиёсий адабиёт нашриёти тайёрлаган бу тўплам «Красний пролетарий» босмахонасида чиқарилди.

(ТАСС).

ҲАМКАСБЛАРИГА ЎРНАК

Сирдарё область Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз сут-товар фермасининг илғор соғувчиси комсомол аъзоси Бўригул Тошназарова ўз меҳнати билан коллективни хурсанд қилмоқда. У айни кунларда қарамоғидаги 18 бош сигирнинг ҳар биридан мўл ва серқаймоқ сут соғиб олиш билан касбдошларига ўрнак бўляпти.

Суратда: Бўригул Тошназарова.

У. ҚУШВОҚОВ суратн.

• *Хайрли ҳаракат*

ТАКЛИФ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Республикамиздаги энг ёш олий ўқув юрти — Тошкент машинасозлик институти маъмурияти талабаларнинг маданий-маънавий савиясини ошириш, тарбиявий ишларни пухта йўлга қўйиш, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш ҳамда ўзбек театр санъатини тарғиб қилиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик қилишни таклиф этиб, Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек Давлат академик драма театри дирекциясига мурожаат этди. Театр бадиий кенгаши бу таклифни мамнуният билан қабул қилди.

Шартномага мувофиқ, институтнинг ўқитувчи ва талабалари ҳар ойда камида битта спектакль кўришади. Спектакль ижодкорлари — режиссёр, актёр-актрисалар билан факультетларда, ётоқхоналарда асарлар юзасидан муҳокама ва мунозаралар олиб борилади. Театр санъаткорлари эса институт драма тўгаракларига оталиқ ёрдами кўрсатади. Зарур бўлганда театр ўз биносидан фойдаланишга рухсат этади.

Ўтган куни кечқурун «Мирзо Улуғбек» спектакли олдидан институтнинг раҳбарлари ва театр санъаткорлари томошабинлар истиқболига чиқишди. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати З. Муҳаммаджонов театрнинг жамиятимиздаги тарбиявий роли ҳақида қисқача гапириб, ҳамкорлик маросимини очди. ЎзССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Ё. Аҳмедов шартномани ўқиб берди. Институт ректори, профессор Н. Р. Юсуфбеков ва театр директори, Ўзбекистон ССР халқ артисти С. С. Девонов шартномани имзоладилар.

Буюк Улуғбек ҳақидаги спектакль ҳамкорлик маросимида рамзий маъно кашф этиб институт олимлари ва талабаларида илиқ таассурот қолдирди.

Ҳ. МУҲАММАДАЛИЕВ.

Озарбайжон ва Арманистондаги вазиятга доир

Январь ойи бошларида Бокуда рўй берган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг фикрича, фавқулодда ҳолатни жорий этиш ва шунга мувофиқ чоралар кўриш ғоят зарур эди. Тўс-тўполонлар, бебошликлар икки халқ — Озарбайжон ва арманлар ўртасидаги миллий ҳалокатга айланиб кетиши мумкин эди. Бокуда ҳамда Озарбайжон ва Арманистоннинг баъзи районларида ҳарбий хизматчиларнинг бўлиши — регионда аҳволни барқарорлаштириш ва зўравонлик янада кучайишининг олдини олиш омилидир. Боку ҳарбий комендантининг хабар беришича, ўтган кеча нисбатан осойишта бўлди, қурбонлар йўқ. Боку кўрфази қамали бекор қилинди. Ҳарбий комендант қарорига биноан «Озарбайжон миллий фронти мудофаа комитети»нинг фаолияти тақиқланди.

Жамоатчилик, Озарбайжон ССР Олий Совети, партия органларининг вакиллари ҳарбий маъмурларнинг таклифига биноан денгиз кемаларида бўлдилар ва ана шу кемалар гўё ҳалок бўлганларнинг жасадларини денгизга ташимоқда, деган уйдирмалар сохта эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Ганжа шаҳрида қисмлар қўмондонлиги жамоатчилик вакилларининг ҳарбийлар шаҳарчасида бўлиш, солдатлар билан суҳбатлашиш имконини берди. Мазкур қисмда Озарбайжон миллатига мансуб ҳарбий хизматчилар калтакланмоқда ва ўлдирилмоқда, деган уйдирмалар ҳеч қандай асосга эга эмаслигини ўз кўзлари билан кўрдилар. Озарбайжон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий аҳолидан бир гуруҳ кишилар Бокудаги «Сальяни казармалари»да бўлдилар ва бу ердаги аҳвол хусусида тарқалган иғвогарона миш-мишлар ҳам мутлақо ўринсиз эканлигига амин бўлдилар.

Имишли шаҳридан олинган маълумотларга кўра, экстремист унсурларнинг В. И. Ленин ҳайкалини бузиб ташлашга даъвати маҳаллий коммунистлар ва партиясизларнинг зарбасига учради. Командирлар, сиёсий ходимлар, солдатлар ва сержантлар аҳоли билан ҳамжиҳат бўлиб иш олиб бормоқдалар, митинглар ва йиғилишларда сўзга чиқмоқдалар, бу эса умумий кескинликни пасайтиришга кўмаклашмоқда. Маҳаллий аҳоли буни маъқулламоқда.

«Озарбайжонлар, — деди республиканинг рус тилида гаплашувчи аҳолисига мурожаатида Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, республика Оқсоқоллар кенгашининг аъзоси Низомий Сулаймон, — муштараклигимизга ҳамла қилишга, ўртамизда адоват туғдиришга уринаётган кимсаларни қаҳр-ғазаб билан қораламоқдалар. Бизнинг йўлимиз, мақсадимиз муштаракдир, суверен, тинч, гуллаб-яшнаётган Озарбайжон учун олиб борадиган курашимиз муштаракдир. Озарбайжон ҳамиша бизнинг умумий хонадонимиз бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади».

Бу сўзлар, бошқа нуфузли кишиларнинг ақл-идрокка қулоқ солишга даъватлари ҳар қачонгидан кўра долзарбдир. Афсуски, республикадаги вазият ҳамон мураккаб бўлиб турибди. Талон-тарожлик ва гражданларга қароқчиларча ҳужум қилишлар давом этмоқда. Бундан ташқари, ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаларининг жанговар тартиб йўлга қўйилган зонасида террорчилар 9 марта қуролли ҳужум қилдилар, икки солдат жароҳатланди. Ленкоранда ўқ-дори сақланадиган омборни эгаллашга уриниш бўлди. Бир кеча-кундузда Бокуда турли ҳуқуқбузарликлар учун 100 дан ортиқ киши қўлга олинди.

Бокуда ва республиканинг бошқа кўпгина қишлоқ районларида саноат корхоналари ишламаяпти. Транспорт ва савдо объектлари чекланган тарзда ишламоқда. Озарбайжон темир йўлида 189 та поезд тўхтаб турибди.

Арманистоннинг бир қанча аҳоли пунктларида аҳволни барқарорлаштириш мақсадида мулоқот йўлга қўйилмоқда. Ҳарбий бўлинмалар билан зиддиятлар қайд этилмади. Арман ва курд аҳолиси ўртасидаги муносабатлар кескинлашганлиги тўғрисидаги маълумотлар тасдиқланмади. Саноат корхоналари ва жамоат транспорти ишлаб турибди.

Бироқ, ижобий силжишлар билан бир қаторда илгари ўғирланган қуролдан фойдаланиб жиноят қилиш кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Иккита кооператив савдо дўкони портлатилди, гражданларга қуролли ҳужум қилинди. Автотранспорт воситаларини, жумладан шахсий машиналарни қароқчиларча эгаллаш ҳоллари давом этмоқда. Чунончи, 23 январь куни Арташат шаҳрида саккиз нафар бандит шу ерлик кишини калтаклаб, унинг шахсий машинасини ўғирлаб кетишган. Ереванда Улуғ Ватан уруши музейидан танк, иккита 76 миллиметрли тўп, зенит тўпи, иккита пулемёт ва иккита миномёт ўғирлаб кетилган. Арманистон ССРнинг Ехегнадзор райони ва Нахичеван АССРнинг Ильич райони чегарасида ҳар икки томондан қуролланган экстремистларнинг кўп бўлиши вазиятни яна кескинлаштирди. Отишма натижасида Арманистоннинг Арена қишлоғи аҳолисидан бир киши ҳалок бўлди.

Озарбайжонда бутун Совет—Эрон чегараси бўйлаб назорат тикланди. Чегара орқали қатнов ўтиш пунктларида қатъий белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Бир кеча-кундузда Эрон территориясига 1322 киши ўтказилди, чет элдан 1601 киши келди. Ҳар иккала томондан давлат чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтишга уринган 66 киши қўлга олинди. Бу тадбирларни чегара аҳолиси тобора маъқуллаб кутиб олмоқда. Маҳаллий партия ва совет органларининг раҳбарлари ҳуқуқ-тартиботни тиклашга фаолроқ қўшилмоқдалар.

Мамлакатда барча совет халқлари вакилларининг Озарбайжон ва Арманистон диёридаги вазиятни нормаллаштиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилиши кенгайиб бормоқда. Масалан, Ўрта Осиё ва Қозоғистондан байналмилалчи жангчилар Озарбайжон ва Арманистондаги ўзларининг собиқ полкдошларига мурожаат билан чиқдилар. Улар ўзларининг жанговар ўртоқларини иғволарга учмасликка, бирадаркушлик адоватида қатнашмасликка даъват этдилар.

(ТАСС).

• *Бугун—Ҳиндистон Республикаси эълон қилинган кунга 40 йил тўлди*

МУЪЖИЗАЛАР ЎЛКАСИ

Вақт масофани нақадар қисқартириб юборади. Мўъжизалар ва афсоналар мамлакати бўлган Ҳиндистонни олайлик: машҳур рус сайёҳи Афанасий Никитин Тверь шаҳридан бу ғаройиб мамлакатга бир йил ичида етиб борган эди. У бу йўлда қандай қийинчиликларга дуч келмади, дейсиз. Ҳозир эса Тошкентдан кўтарилган замонавий «учар гилам» сизни бор-йўғи бир неча соат ичида Деҳлига етказиб қўяди.

Бир вақтлар Рерих Ҳиндистонда «гўзаллик яшайди» деб ёзган эди. Дарҳақиқат шундай. Ҳиндистон боғоят гўзал, у мўъжизалар диёридир.

...Ҳиндистон пойтахти тонги. Қишнинг майин қуёши туман «ямоқ»ларини ёриб ўтиб, улкан «Ҳиндистон дарвозаси» аркида товланади. Унинг нурлари сикхларнинг Гурдвари ибодатхонаси олтин гумбазида, Чанди-Чоук эски шаҳарининг савдо-сотиқ тармоғида рақсга тушади. Улар жаҳондаги энг катта масжидлардан бири — Жума масжиднинг сарвлигини таъкидлайди, ҳиндларнинг муқаддас жойи Бирла-Мандирнинг нақшинкор деворларига қуюлади, мактабларга шошилаётган болалар чеҳраларини ёритади. Минг-минглаб деҳлиликлар ишга, фабрика ва заводларга, устахоналарга шошилмоқдалар. Автобуслар одамлар билан тирбанд. Велосипедлар оқимига кўзингиз тушади. Кези келганда ҳинд ҳайдовчиларининг маҳоратига тан бериш керак. Деҳли кўчаларида ҳаракат амалда бошқарилмайди. Шундай бўлса-да улар транспорт воситаларини тезликни пасайтирмай, чапдастлик билан бошқарадилар. Деҳлида светофорлар саноқли, йўл ҳаракатини бошқарувчилар эса бундан ҳам оз. Шунга қарамай, кўчаларда транспорт ҳаракати бирон дақиқа тўхтамайди.



Ҳиндистон ҳам ғаройиб, ҳам зиддиятли. Мамлакатдаги мураккаб социал ва сиёсий жараёнларни тушуниш осон иш эмас. Лекин шуниси равшанки, дўст Ҳиндистон асрий қолоқликни бартараф эта бориб, инсон фаолиятининг барча соҳаларида катта қадамлар ташламоқда. Бу йўлда у Совет Иттифоқининг бегараз ёрдамига таянаётир.

Деҳлиликлар пойтахт Лаъл қалъадан бошланади, дейишади. 1947 йилнинг 15 августида унинг деворлари ёнида Ҳиндистон мустақиллиги эълон қилинган эди. Биринчи бош министр Жавоҳарлал Неру қалъа узра давлат байроғини кўтарган эди. Биргина шу фактнинг ўзи Лаъл қалъага муҳим аҳамият беради. Ҳиндистон пойтахтидаги энг катта тантаналар Лаъл қалъада ўтказилишининг боиси ҳам шунда.

Қалъа тарихи жуда қизиқ. Унинг деворларини кўтаришда қизилқум ишлатилганлиги учун Лаъл қалъа номини олган экан. Қалъа Шоҳ Жаҳоннинг қароргоҳи сифатида қурилган. Эндиликда у ҳиндларнинг ҳам, хорижий меҳмонларнинг ҳам диққат эътиборини ўзига тортмоқда. Ташриф буюрувчиларни «қабул заллари» ўзининг бетакрор гўзаллиги билан мафтун этади. Айниқса, Моти масжид (Дур масжид)нинг нозиклигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳинд китобларида ёзилишича, Лаъл қалъада бир вақтлар кўпдан-кўп жавоҳирлар тўпланган. Заллардан бирида Шоҳ Жаҳоннинг оламга машҳур тахти турган. Тахтнинг оёқлари олтиндан бўлиб, турли-туман қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

Ҳинд дўстларимиз бизга машҳур темир устунни ҳам кўрсатишга ошиқишди. У ҳақда жонли мавжудот сингари ғурурланиб гапиришди. Маълум бўлишича тропик иқлимга қарамай устуннинг бирор ери зангламаган. Айтгандай, у бу ерда 321 йилдан бери турар экан. Темир устуннинг баландлиги 7,2 метр, диаметри 41 сантиметр, оғирлиги эса 7 тонна. Эътиборимизни яна бир нарса тортди. Устун ёнида одамлар турнақатор эди. Гап нимада экан дерсиз. Билсак, ким устунга суяниб уни қучоқлай олса, бахтли бўларкан. Бахтли бўлишни ким истамайди, дейсиз. Инсоннинг ана шу табиий интилишидан устуннинг ердан тахминан бир метрча юқориси ўта сайқаллашиб кетган.

Улуғ ҳинд халқининг буюк ёдгорликлари ва зиёратгоҳлари кўп. Ҳинд халқини эрк йўлига етаклаган миллий озодлик ҳаракатига бош бўлган Маҳатма Ганди ва Жаваҳарлал Неру ишининг давомчиси — Индира Ганди (1919—1984) уй-музейини зиёрат қилдик. Бир дақиқа сукут сақлаб ҳинд халқининг шонли қизи порлоқ хотирасини ёдга олдик. Уй-музей узра атоқли давлат ва сиёсат арбоби бўлган Индира Гандининг ҳинд халқига қарата сўзлаган нутқи оҳиста эшитилиб турибди. У халқларни тинч-тотувликда яшашга чорламоқда...

Деҳлида ҳар қадамда жаҳоннинг турли бурчакларидан келган сайёҳларга кўзингиз тушади. Ҳа, сайёҳлар қабиласи ўзгача тоифа, турли мамлакат ва шаҳарларда уларни учратиш мумкин. Дунёнинг кашф этилган ва ҳали очилмаган «мўъжизаларини» ўз кўзи билан кўриш истаги сайёҳларга асло тинчлик бермайди. Ҳинд дўстларимиз «Агра ва Тож Маҳални кўрмаган киши Ҳиндистонда бўлмаган» дейиш мумкин деб очиғини айтиб қўя қолишди. Биз ҳам сўзсиз жаҳоннинг ана шу мўъжизасини кўришга ошиқдик.

Деҳлидан Аграгача 200 километр. XVI асрда Агра биргина Шимолий Ҳиндистоннинг эмас, балки бутун жаҳоннинг йирик шаҳри бўлган. Сайёҳларнинг шоҳидликларига кўра, ўша вақтда Аграда 700 мингга яқин киши яшаган. У ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ шаҳри, қалъа—шаҳар ва сиёсий ҳаёт маркази бўлган.

Ҳинд тарихчиларининг таъкидлашларича, бобурийлардан Султон Шоҳ Жаҳон Тож Маҳални бунёд этиб, Агранинг шуҳратини оширган, мангулик бахш этган. Тож Маҳалнинг қисқача тарихи эса қуйидагича. Аржуманд Бону бегим ўн тўққиз ёшида шаҳзода Гурам (келажакда Шоҳ Жаҳон)нинг иккинчи хотини бўлган. Муртоз шаҳзоданинг севимли рафиқаси, оғир ва суронли йилларда яқин сафдоши бўлган. 1627 йилда Шоҳ Жаҳон тахтни эгаллаганидан сўнг Муртоз Ҳиндистон маликаси бўлади. Шоҳ Жаҳон рафиқасини жуда севар, ҳурматини жойига қўяр, унинг шарафига катта тантаналар ўтказарди. Муртоз 9 фарзанд кўради. Лекин 1636 йилда у тўсатдан бетоб бўлиб қолиб, вафот этади. Ўлими олдидан Муртоз Шоҳ Жаҳонга ўз муҳаббатларига муносиб мақбара қуришни васият қилади. Шоҳ Жаҳон севимли рафиқасининг васиятини бажаришга киришади. Турк меъмори Устод Муҳаммад Исохон афанди бошчилигида 20 минг бинокор, тош йўнувчи, заргар оқ мармардан, беш гумбазли, деворлари қимматбаҳо рангли тошлардан мозаика билан безатиб ишланган машҳур мақбарани бунёд этишади.

Тож Маҳал қуриб битказилгач, Шоҳ Жаҳон ўзи учун айнан шундай, лекин қора мармардан бўлган мақбарани Жамна дарёсининг нариги қирғоғида бунёд этишга киришади. Режага кўра ҳар икки мақбара бир-бирлари билан қора ва оқ мармардан ишланган кўприк билан боғланиши керак эди. Лекин Шоҳ Жаҳоннинг бу режаси рўёбга чиқмай қолади. Унинг ўғиллари тахт талашиб бир-бирлари билан курашардилар. Бунда Аурангзеб ғолиб чиқади. У отаси Шоҳ Жаҳонни ҳибсга олиб, Лаъл қалъага ташлайди. Шоҳ Жаҳон умрининг охирги йилларини Муртоз учун қурган мармар саройда ўтказади. У Муссамон Бари минорасидан туриб Тож Маҳални доимо кўра оларди. Аурангзеб отаси ўлгач васиятга мувофиқ унинг жасадини Тож Маҳалга, Муртоз ёнига кўмишни буюради.

...Биз тор дарвозага кирганимизда аввалига ҳеч нарса кўринмади. Лекин бир неча қадам қўйишимиз биланоқ Тож Маҳал ўзининг бутун улуғворлиги билан намоён бўлди. Кўзни қамаштирувчи оқ мармардан ишланган мақбара бенихоя гўзал. Ҳар бир киши бу бенихоя улуғ санъатдан баҳраманд бўлади. Хизматчи бизни мармардан ишланган икки сағана сари бошлади. Қимматбаҳо тошлар уларга бетакрор жило берган. Хизматчи чўнтак фонарини ёқиб унга яқинлаштирганида ранглар ички томондан ёғду таратди. Айтишларича ойдин тунда жаҳоннинг «саккизинчи» мўъжизаси ўзидан нур таратар экан. Тож Маҳал кишини ўзига оҳанграбо каби тортади. Соатлаб туриб уни томоша қилиш мумкин. Қанчалик кўпроқ кўрсангиз, худди сароб сингари унинг ёритилиши ҳам ўзгариб боради. У ички томондан нур таратиб, қуёш ўрнига қараб ўз рангини ўзгартириб боради. Аграга қадами етиб, мақбарани зиёрат қилган ҳар бир кишн муҳаббат ва садоқат рамзи бўлмиш ушбу романтик меъморчилик дурдонасини бир умр ёдда сақлаб қолади.

Сафаримиз сўнгги кунлари Бомбей ва Мадрас шаҳарларида ўтди. Шуниси диққатга сазоворки, мўъжизалар диёрининг қаерида бўлмайлик, ҳиндларнинг совет халқига бўлган дўстона туйғулари ва мамлакатимиздаги қайта қуриш жараёнига бўлган қизиқишлари шоҳиди бўлдик. Ҳа, Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон Республикаси умуминсоний идеаллар — эзгулик, адолат ва тинчлик идеалларини қарор топтириш учун зарур бўлган ишларида, Совет ва Ҳиндистон халқларининг энг бебаҳо мулки —дўстликни мустаҳкамлашда ўз истиқболларини кўрмоқдалар.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.
Тошкент—Деҳли—Тошкент

●

Суратларда: темир устун ва Тож Маҳал.
Муаллиф суратлари.

ОҚИБАТЛИ, ДИЁНАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Мамлакатимизнинг айрим жойларида юз бераётган воқеаларни эшитиб инсонийлик, инсоф, адолат, диёнат ва меҳр-шафқатнинг топталаётгани ҳақида ўйлашга эҳтиёж сездим. Миллатлар ўртасидаги низолар, қон тўкишлар, аёллар, болалар ва қариялларнинг чинқириқлари, фарёду аламлари қулоғимга чалиняпти. Бунга бефарқ қараб бўлмайди. Ўзингни жамиятнинг бир аъзоси сифатида ҳис қилар экансан, қалбинг титрайди, безовталанасан.

Биз жамият барча соҳаларини тараққий эттиришга кўп эътибор бердигу, назаримда маънавиятни бир оз унутдик. Инсоний камолот, маънавий етуклик, ички олам гўзаллиги, тил ва дил бирлиги хусусида ўйламай қўйдик.

Ислом инсонни қадрлашда маънавий ўлчовни ишга солади. Ана шу ўлчов билан инсон қадрини баҳолайди. Тақводорлик сўзининг мазмуни ҳозирги пайтда ўзгариб кетган. Аслида эса у сақланиш маъносини, яъни ёмонликлардан, гуноҳ ишлардан сақланишни билдиради. Дунёдаги барча ёмон ишлардан қочиб, жамики яхши ишларни қилиш инсон олдида турган энг муқаддас бурчдир. Фақат одобли, ахлоқли, имонли ва маънавий камолотга етган одамгина буни чуқур тушунади.

Инсон қадрини ва шахсини камситиш ислом динига хос эмас. Унда миллатидан, элатидан, танасининг рангидан қатъи назар, инсон инсонлиги учун улуғланади. Миллатчилик, бир-бирини камситиш, талон-тарожлик, танасининг рангига қараб аҳратиш исломда бўлмаган. Барча кишилар, миллат-элатлар доимо бир тану, бир жон бўлиб, яхши муносабатда, оға-ини бўлиб яшашлари исломнинг тажрибасидир. У ҳар қандай миллий руҳдан, миллатчилик кайфиятларидан юқори турадиган оламшумул таълимот. Барча миллатларни бирлаштириб, тенг, дўст, ёру-биродар қилиб, тинч-омон яшашларини уқтириб келган.

Тилимизда савоб деган сўз бор. Унинг маъзини чаққан ҳар бир киши атрофидагиларга, жамиятга яхшилик қилмоғи, унинг учун таъма қилмаслиги, қўлидан келган барча яхшиликларни одамларга бахш этмоғи кераклигини ҳис этади.

Заминимиз битта. Бир осмон тагида яшаймиз. Интилишимиз, мақсад-маслагимиз муштарак бўлган бир пайтда юз берган келишмовчиликларни тушуниш қийин. Савобнинг, инсоф ва диёнатнинг қадри кимларнингдир назарида пасайганга ўхшайди. Азалий удумлар, расм-русумлар, фидойилик ва самимий муносабатлар қаерда қолди?

Қон тўкиш, бир-бирига жабр-зулм қилиш қонунда қораланади. Исломда эса унга разолат ва жаҳолат сифатида қаралади. Бу ҳақда Қуръони каримда «Кимки одам ўлдирмаган, ўлдиришга лойиқ ишларни қилмаган шахсни ўлдирса, у ер юзидаги жамики одамларни ўлдиргандекдур» дейилади. Яъни бегуноҳ бир кишини ўлдириш, қонини тўкиш бутун инсониятнинг қонини тўкиш билан баробар гуноҳ ҳисобланади.

Машҳур муҳаддис Имоми Бойҳақийнинг ривоят қилишларича пайғамбаримиз ўз ҳадисларидан бирида «Олло таъолло учун бир кишининг қони ноҳақ тўкилганидан кўра дунёнинг завол бўлгани осонроқдир», деган эканлар.

Инсонга жабр қилиш, зулм кўрсатиш, ҳеч нарсадан ҳеч нарса унинг бошига кулфатлар солиш оғир гуноҳдир.

Инсон ҳамиша яхшиликка муҳтож. Яхши кунлар орзуси билан она-юрти ва фарзандининг истиқболини кутиб яшайди. Унга фақат меҳнат билан, бир-бирига меҳр-шафқат, мурувват, қийналганларга мадад, камбағаллар ва муҳтожларга ёрдам, хайр-эҳсон, меҳр-мурувват кўрсатиш билангина етиш мумкин, холос. Биз одамлар учун яшашнинг кенг имкониятлари яратилган замонда яшамоқдамиз. Ундан унумли фойдаланишимиз даркор. Куч-ғайратимизни, ақл-идрокимизни фақат савоб ишларга, саховатпешаликка сафарбар қилайлик, дейман.

Ёмон ниятли, ғаразли мақсад билан яшайдиган, кўнгли нопок, маънавий мажруҳ, қалби сўқир кишилар ҳам атрофимизда борлигини унутмайлик. Ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларга ақл-идрок, авлодларимизга хос донолик ва зукколиқ билан қарашни одат қилайлик.

Тўғри, ҳаётимизда камчиликлар кўп. Жамият иллатлардан холи эмас. Иллар давомида ижтимоий тузумимизнинг адолатпарварлик ва инсонпарварлик ақидаларидан чекинилди. Умумхалқ ва умумдавлат манфаатидан шахсий манфаат устун келиб қолган пайтлар бўлди. Худбинлик, пул ва бойликка ҳирс қўйиш авж олди. СССР халқ депутатлари съездларида бу ҳақда кўп гапирилди. Ҳозир ана шу нуқсонларни бартараф этиш йўлига ўтилмоқда. Ана шундай пайтда оғир-вазмин, минг ўйлаб бир сўйлайдиган кишигина ҳақ ва ҳақиқат йўлидан борган, адолатни ҳимоя қилган бўлади.

Ислом фақат ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб, ўзгаларга нисбатан лоқайд ёки ўзгалар манфаатини менсимайдиган кишиларни қаттиқ қоралайди. Яъни Қуръони каримдаги «Нисо» сурасининг 36-оятида шундай дейилади: «...Ота-оналарингга яхшилик қилинглар, шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискин-бечоралар, қариндош-қўшни, оддий қўшни, ҳамроҳ, мусофир, қул ва чўриларга ҳам яхшилигингизни дариғ тутманг. Олло таъолло фақат ўзини билувчи, кибру ҳаволи кишиларни ёмон кўради», дейилади.

Узоқ йиллар мобайнида снёсатимизда, иқтисодиётимизда ва бошқарув маданиятида юз берган камчиликлар билан бирга инсоннинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш борасида ҳам қатор нуқсонларга йўл қўйилганлигини айтдик. Дарҳақиқат, инсонга ишлаб чиқариш қуроли сифатида қаралди. Унга моддий фаровонлик ҳақида сафсата сотилди. Оқибатда моддий бойликлар ортидан қувишга ўтилди. Бу ниҳоятда хавфли эканлигини бугун ҳаёт кўрсатмоқда. Чунки, инсонда худбинлик, шахсий манфаат, мол-дунёга ҳирс каби туйғулар азалдан бор. Мана шу нозик ҳолатни ҳисобга олган ҳолда, Исломда ҳавойи нафсга берилмаслик, молдунёга ўч бўлмаслик кенг тарғиб қилинади.

Савоб, инсоф, товфиқ, одамгарчилик, меҳр-шафқат, хайр-эҳсон каби минг йиллар давомида кишиликнинг эзгулик шиори бўлиб келган тушунчалар орамиздан йўқолмоқда. Руҳий, маънавий қаҳатчилик юзага келди. Ахир кексайиб қолган ота ё онасини қариялар уйига ташлаб, йиллаб хабар олмай, кайф-сафо қилиб юрган бойваччаларда руҳий бойлик бор, дейсизми? Нима учун ҳар йили ўн минглаб вояга етмаган ёш болалар жиноят қилиб қамалмоқдалар? Улар руҳий тарбия топган, дейсизми? Нима учун ҳеч нарсадан ками йўқ ота-оналар ўзларининг ароқхўрликлари туфайли ногирон бўлиб туғилган фарзандларини махсус етимхоналарга топшириб қўйиб, йиллаб хабар олмай юрибдилар? Нима учун халқнинг пулидан уриб қолиб миллионларни тўплаган юлғичлар яна бошқа миллионни тўпламоқдалар? Буларнинг барчаси моддий манфаатдорлик, худбинликнинг оғир асорати бўлиб, маънавий қашшоқлик, руҳий нопокликнинг натижаси эмасми?!

Бугун Озарбайжон ва арман диёрида — улуғ алломалару, донишмандларни етиштирган халқ тупроғида қон тўкилмоқда. Дунё тан олган олиму уламолар, фозилу фузалолар, шоиру шуаролар юртида одамлар ўқ-зарбидан чинқириб жон бермоқда. Оналар фарёдидан тутун чиқмоқда. Минг-минглаб бегуноҳ кишилар ўз уйларини, киндик қони тўкилган жойларини ташлаб, узоқ-узоқларга кетишмоқда. Сарсон-саргардонликда кун кечиришмоқда.

Саргардонликда қолган кишилар, болалар ва қариялар саховатпеша кишиларнинг мурувватидан мадад олади, албатта. Уларнинг меҳрдан баҳраманд бўлиб, умрини фароғатда ўтказиш имконига эга бўлади. Бироқ, маънавий азобнинг, руҳий синиқликнинг ўрнини нима босади? Ўта худбинлик, миллий маҳдудлик ва кибру ҳаво йўлига кирганлар буни англай олармикинлар? Нималар бўляпти ўзи?

Бугун мен ҳайратдан ёқа ушлаб азиз Ватандошларимга — қондошу жондош халқларга ҳамдардлик ва ҳамдўстлик туйғуларимни билдирар эканман, уларни ақл-идрок билан иш тутишга, юз бераётган ҳодисаларга адолат юзасидан баҳо беришга чақираман. Ортиқча эҳтиросларга ҳамиша ҳожиалларга олиб келган. Халқ бошига мислсиз мусибатлар ёғдирган. Бунга тарих гувоҳ. Ҳозир озар ва арман юртидаги ҳожиалар ҳам ана шундан гувоҳлик бермоқда.

Азиз Ватандошлар, биз бир мамлакат ва бир жамият аъзосимиз. Бепоён Ватаннинг қайси бурчагида яшамайлик, миллатимиздан қатъи назар бир юртнинг фарзандимиз. Бизнинг тақдиримиз, келажагимиз бир эканлигини унутмаслигимиз лозим. Меҳр-шафқатлилик, саховатпешалик одатимизни канда қилмайлик. Уни ҳаётий эҳтиёжга, заруратга айлантирайлик. Болалар етим қолмасин. Оталарнинг қилмишларидан жажжи юраклари шикастланмасин. Умрини, бутун куч-ғайратини, кўз нури-ю қалб кўрини фарзандлар камолига бахшида этган отахон ва онахонларимиз ёши бир жойга етган пайтида мусибат кўрмасин. Қалбига ғам-андуҳ чўкмасин. Ҳаёт, тириклик, кишилик тарихининг истиқболи бўлган ширин-шакар фарзандларимиз бахтига юртимизни омон сақлайлик. Қон тўкишнинг, жабр-зулмнинг оғир гуноҳ эканлигини, унинг номи ҳамиша лаънатланишини ва келгуси авлод бундай хатти-ҳаракатни кечирмаслигини унутмайлик. Ўзимизни, ёнимиздаги қўшнимизни ва ҳамюртимизни инсофга, диёнатга чақирайлик.

Муҳаммадсодиқ МУҲАММАДЮСУФ,
СССР халқ депутати, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси.

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ

25 январь куни Тошкентда Ўзбекистон жамоатчилигининг ҳинд халқининг миллий байрами — Ҳиндистон Республика деб эълон қилинган куннинг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Сўзга чиққан кишилар Ҳиндистон ўзининг мустақиллик йилларида катта муваффақиятларга эришганлигини ва ҳозирги кунда Осиё минтақасидагина эмас, бутун дунёда ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий турмушда муҳим роль ўйнаётгани ҳақида гапирдилар. Совет Иттифоқида буюк ҳинд халқига нисбатан алоҳида ҳайрихоҳлик билан муносабатда бўлиб, унинг муваффақиятларидан чин дилдан қувонаётганликлари таъкидланди.

Совет—Ҳиндстон дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлими Ҳиндистон Республикаси билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон иқтисодий ва савдо алоқаларини ўзаро манфаатли негизда ривожлантирмоқда. Фан ва маданият соҳаларидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда дўст мамлакатдан келган юзлаб студентлар, стажёрлар ва аспирантлар Ўзбекистон олий мактабларида таҳсил кўришмоқда. Маданият арбоблари самарали ҳамкорлик қилиб, бирга-ликда халқ ижодиёти, замонавий санъат фестивалларини ўтказмоқдалар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советн Раисининг ўринбосарлари Ў. Р. Умарбеков, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консулхонаси вакилларн иштирок этишди. **(ЎзТАГ).**

БИР ЎЛКАКИ, ҚИШЛАРИДА ШИВИРЛАР БАҲОР

✦ АЗИЗ ГАЗЕТХОНЛАР!

Ошкоралик, демократия, қайта қуриш шарофати туфайли халқимизнинг миллий-маданий қадриятлари ва анъаналарини тиклаш ҳамда ривожлантиришга кенг эътибор берилмоқда.

Наврўз байраминнинг тикланиши ва байрам кунини дам олиш куни сифатида белгиланиши ана шундай муҳим тадбирлардан. Наврўз беқиёс тарбиявий аҳамиятга молик. Байрам баҳонасида ёру-дўстлар, оға-ини қариндошлар дийдор кўришадилар, ёшлар қарияларга иззат-икром кўсатишиб, уларни йўқлаб борадилар. Оталарга оқлик совға қилинади.

Наврўз байрами ёшлар учун ҳаяжонли висол лаҳзалари. Қадимда ёшлар бу қутлуғ кечани ухламасдан ҳикоя ва эртаклар айтишиб, ўйин-кулги билан кутиб олишган.

Наврўз миллий маданият, санъат ва пазандаликнинг ўзига хос намойишидир. Наврўзнинг «шоҳона таоми» — сумалак пишириш жараёнида аёллар суҳбат қуришиб, эртак ва афсоналар айтишади, қўшиқ куйлаб, рақс тушадилар.

Сумалак тортилган, ҳалим, нишолда каби анвойи таомлар, турли пиширириқлар, ялпизли сомса-ю кўкатлардан тайёрланган тансиқ неъматлардан зийнатли дастурхон баракали меҳнат эҳсони, табиат саховатини кўз-кўз қилади. Наврўзни нишонлаш билан боғлиқ бундай тадбирлар, шубҳасиз, рўзғорда ун, шакар каби турли озиқ-овқат маҳсулотлари етарли бўлишини тақозо этади. Шундай экан, республика Савдо министрлиги, озиқ-овқат саноати ташкилотлари ҳозирдан байрамолди тайёргарликларини кўриб қўйишлари лозим.

Наврўз — меҳнат айёми, деҳқончилик ишларини бошлаш байрами. Қадим-қадимдан Наврўзда ҳашар йўли билан ариқ-зовурларни қазиш, уй-жойларни тозалаш, кўкатлар ва гуллар билан безаш, кўчатлар ўтқазиш, далаларга барака уруғини сочиш каби удум ва маросимлар ўтказиб келинади.

Жиззахнинг Наврўзбулоқ мазгилида, Ургут ва бошқа районларда ўтказилаётган оммавий халқ сайиллари эса бу кўҳна айёмнинг байналмилал хусусиятидан далолат.

Халқимизда тўй қозони осишдан аввал дастурхон ёзиб, қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, маҳалла ва қишлоқ оқсоқолларини таклиф этиб, кенгашиб олишдек ажойиб одат бор. Республикамизнинг турли жойларида Наврўз байрамини нишонлашга тааллуқли бой анъаналар мавжудки, уларда халқимизнинг кўп йиллик орзу истаклари, манфаатлари мужассам. Бундай анъаналарни ўрганиш, оммалаштириш, халқ оғзаки ижодининг тилдан-тилга ўтиб юрган дурдоналарини эл-юрт хазинасига қўшиш муҳим вазифалардан.

Ўйлаймизки, халқ орасида шаклланган ана шундай анъаналар, Наврўзга тайёргарлик борасидаги муаммолар хусусида бизга ёзиб юборасиз.

НАВРЎЗ БОҒЛАРИ

Қиш чекинмоқда. Она еримиз қор кўчкилари ва муз сиқувларидан озод бўлаётир. Узун ялдо кечалари ўтди. Тунлар қисқарган сари кундузги ёруғ соатларнинг баракаси ортмоқда. Қуёш илиқ-илиқ нур сочиб, бизга тобора яқинлашиб келмоқда.

Бу ҳаммаси маънавий қаётимизда тобора кўпайиб бораётган ёруғ ва умидбахш кунларимизга ҳамоҳангдир. Турғунлик даврида, ҳатто қайта қуриш бошланган 1985—86 йилларда юз берган ижтимоий адолатсизликлар дадил бартараф этилаётир. Қаранг, бундан тўрт-беш йил олдин ҳатто тарихий асарда «худо» дейишни тақиқлаганлар сўз эркинлигини бўғишга уриниб кўрдилар. Худди шу тарздаги зўравонликлар Наврўзга нисбатан ҳам қилинганн ёдимизда бор. Наврўз байрамини тақиқлаш баҳорни тақиқлаш каби ҳунук ва беҳуда ҳаракат эди. Энг яхши одамларимиз сўз эркинлиги учун қандай курашган бўлсалар, Наврўз эркинлиги учун ҳам шундай курашдилар. Улар қайта қуриш ғояларидан куч олдилар. Бўйруқбоз маъмуриятчилар Наврўз сумалаги тайёрланаётган ўчоқнинг чўғини бир жойда ўчирсалар, Наврўз ҳимоячилари бошқа ўн жойда янги ўчоқларга олов ёқдилар.

Бултур Наврўзга расмий рухсат берилган бўлса, ҳам, одамларимиз уни яйраб байрам қилолмадилар. Чунки Наврўз иш кунига тўғри келиб қолди. Жуда кўп ишчи-деҳқонлар, зиёлилар Наврўзни байрам куни деб эълон қилиш ҳақида таклиф киритган эдилар. Ниҳоят, бу йил жумҳориятимиз партия ва ҳукумати халқнинг шу талабини астойдил ҳисобга олиб, Наврўзни байрам куни деб эълон қилди.

Орада ҳали салкам икки ой вақт бор, лекин Наврўз тайёргарлигини ҳозирдан бошламасак бўлмайди. Сумалак учун буғдой кўкартириш унча қийин эмасдир. Аммо Наврўз сайллари ўтказиладиган боғларни обод қилиш... Ахир, Наврўзни гуллаб-яшнаган боғларсиз, сайлгоҳларсиз тасаввур этиб бўлмайди-ку!

Куни кеча Тошкентнинг бош режаси муҳокама қилинган улкан йиғилишда жумҳориятимиз раҳбарлари пойтахтимизнинг тарихий қиёфасини қайта тиклаш масаласига алоҳида эътибор бердилар. Яқин-яқинларгача, ҳатто бундан ўттиз-қирқ йил олдин ҳам Тошкент — боғ шаҳри эди. Бўзсув, Солор, Қорасув бўйларида қанчадан-қанча боғлар, Наврўз сайлгоҳлари бор эди. Албатта, боғ ва сайлгоҳлар ҳозир ҳам бор. Лекин уларни талаб даражасида кўп ва гўзал деб, айта олмаймиз. Чунки шаҳсга сиғиниш ва турғунлик даврида хароб бўлган жуда кўп боғлар ва сайлгоҳлар қайта тикланган эмас. Ҳолбуки, боғ меъморчилиги борасида халқимизнинг ажойиб анъаналари ва бой тарихий тажрибаси бор.

Самарқанд боғларини эсланг. Темур ва Улуғбек барпо этган, Алишер Навоий ва унинг замондошлари таъриф этган Боғи Шамол, Боғи Чинор, Боғи Майдон, Боғи Дилкушо... Ана шу боғ меъморчилиги анъаналарини Бобур ва унинг авлодлари Афғонистон ва Ҳиндистонда қандай давом эттирганлари кўпчиликка маълум.

Масалан, Кобулда Наврўз байрами арафасида Бобур тамал тошини қўйган улкан бир боғ тарихга Боғи Наврузий номи билан кирган. Шунга ўхшаш улкан боғни Ҳумоюннинг суюкли рафиқаси Ҳамида бегим Деҳлида барпо этган. Кейинчалик бу боғ ўртасига Ҳумоюн мақбараси қурилган. Ўтган ойда Ҳиндистонда бўлганимизда, Ҳумоюн мақбарасининг атрофини ўраб турган эллик гектарлик гўзал боғ ҳали ҳам аслидай ораста сақланаётганини кўриб қойил бўлдик. Акбар ҳам жуда кўп боғлар барпо қилган. Шулардан бири — Кашмирда, зилол кўл бўйида ҳанузгача сеҳрли гўзаллик макони бўлиб турган Насимбоғдир.

Агра яқинида Искандар деган жойда Акбар қўлга ўргатилган кийиклар боқиладиган катта боғ барпо этган экан. Унинг васиятига биноан, вафот этганидан кейин абадий манзилгоҳи — шу боғ бўлиб қолади. Акбарга Ж. Нерудан кейин унинг ўлмас фарзанди Индира Ганди ҳам юксак эъзоз билдиради.

Бу йил Акбар мақбарасига борганда унинг мармар қабри устига ноёб барқут ёпилганини кўрдик. Олтин қўшиб тўқилган бу қимматбаҳо барқутни Индира Ганди Акбар хотирасига алоҳида эҳтиром билдириб тақдим этган экан.

150 акр (яъни 200 гектардан ортиқ) майдонни эгаллаган Акбар боғи ҳозир ҳам унинг тириклик пайтидагидек ораста ўтлоқ ва дарахтзордир. Кўркам дарахтлар орасидаги кўкаламзорда эса шохлари тик кетган, қизғиш рангли гўзал кийиклар ўтлаб юрибди. Улар одамга ўрганган, қочмайди.

Жаҳонга машҳур Тожмаҳал ҳам фавворалар ва мармар ариқлар билан зийнатланган улкан боғ ўртасида турибди.

Ҳиндистонлик дўстларимиз бизнинг аждодларимиз барпо этиб кетган оламшумул боғ санъатини шундай яхши сақлаётган эканлар, биз уларнинг яхши тажрибаларидан ибрат олсак арзийди.

Наврўз байрамини астойдил яхши ўтказмоқ учун халқимизнинг боғлар ва сайлгоҳлар яратиш борасидаги тарихий тажрибасини қайта тиклашимиз керак.

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети халқимизнинг асрлар давомида орттирган яхши анъаналари ва тарихий-миллий қадриятларига ҳозир ҳар қачонгидан ҳам ортиқ эътибор бераётгани кишиларимизни астойдил руҳлантиради. Наврўзни умумхалқ байрами тарзида ўтказишга тайёрланганда ободончилик ишларига барча меҳнаткашлар диққати жалб этилмоғи керак. Шундай қилайлик, одамларимиз меҳнатларига яраша роҳат қилишига имкон берадиган, Наврўз боғлари ва сайлгоҳлари барча шаҳар ва вилоятларда етарли бўлсин. Наврўз байрами барча халқларга баробар бўлган меҳнат ва табиат байрами экан, Наврўзнинг боғ ва сайлгоҳларини ҳам ҳамма миллат вакиллари биргалашиб барпо этиши мақсадга мувофиқдир.

Ишонамизки, янги Наврўз боғлари миллатлараро дўстлик боғларига айланажак!

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

АЙЁМНОМА

Яна кўк тоқида варрак дириллар,
Чўпон чайласида гулхан гуриллар,
Бинафшани кўзга сурган қарилар,
Ҳақ сўзингиз элга таборак бўлсин.
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Тўтидай зангори пат ёзган фалак,
Даштларга настаълиқ хат ёзган фалак,
Етти ранг ипакдан сизган камалак,
Нилий ранг изингиз таборак бўлсин,
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Оғзи қон бўрилар, ошиққа эврил,
Заранглар, харсанглар, момиққа эврил,
Номарду нокаслар содиққа эврил,
Мўъжиза кезингиз таборак бўлсин,
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Гўдаклар, улғайинг жайрон каби шўх,
Оналар, йиғламанг, ғариба мунглуғ,
Бева-бечорага дей кўнгли шоҳлуғ,
Шоҳона кезингиз таборак бўлсин,
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Моҳпора қизларнинг туши келсин ўнг,
Қўзилар туғилсин пешонаси дўнг,
Мислар кумуш бўлсин юртни севган сўнг,
Имон эвазингиз таборак бўлсин,
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Дерман: балогардон тумор тилимга.
Табиби топган бемор тилимга,
Баҳор бисотидай рангдор тилимга:
Олий нуфузингиз таборак бўлсин,
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Дўстлик меҳроблари идраса, оҳ дей,
Фитна қузғунлари потраса, оҳ дей...
Арслонлар дев босиб, мудраса, оҳ дей,
Қадр илдизингиз таборак бўлсин,
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

«Борига — барака» деган элимга,
Майзни қирқ бўлиб еган элимга,
Меҳнаткаш, жафокаш танти элимга,
Дерман: ризқ-рўзингиз таборак бўлсин,
Аё, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Ҳадя эт дунёга омон-омонлик,
Қариган тоғларга бер арғувонлик,
Кечир, неки кўрдинг яхши-ёмонлик,
Толе юлдузингиз таборак бўлсин,
Наврўз, Наврўзингиз муборак бўлсин!

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Реклама ва эълонлар

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети (СССР Госкомиздати) **«ВНЕШТОРГИЗДАТ» Бутуниттифоқ нашриёт-полиграфия бирлашмаси**

ЎРТА ОСИЁ БЎЛИМИ

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ССР корхоналари томонидан экспортга юборишда зарур бўладиган

АДАБИЁТЛАРНИ НАШР ЭТАДИ

«ВНЕШТОРГИЗДАТ» Бутуниттифоқ нашриёт-полиграфия бирлашмасининг Ўрта Осиё бўлими саноат корхоналарининг буюртмасига мувофиқ Совет экспорт товарлари учун рус ва чет тилларида техник ҳамда товарлар билан қўшиб юбориладиган ҳужжатларни, шунингдек чет эллар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик қилишда қатнашадиган корхона ва ташкилотлар буюртмасига биноан реклама-ахборот адабиётларини нашр этади.

ТЕХНИК ҲАМДА ТОВАРЛАР БИЛАН ҚЎШИБ ЮБОРИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР — буюмларни техник жиҳатдан таърифлаб бериш, уни ишлатиш бўйича кўрсатма ва йўлланмалар, монтаждаш, ишга туширш, созлаш, ишлатиб чиниқтириш бўйича қўлланмалар, паспортлар, ремонт қилиш бўйича кўрсатмалар, ремонт чизмалари, жўнатиладиган ускуналарни ишлатиш ва хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган деталлар каталоги ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек товар билан қўшиб юбориладиган ҳужжатлар, жойланган товарга ёпиштириладиган ёрлиқлар, сифат сертификатларидир.

Реклама-ахборот адабиёти — бу каталоглар, буклетлар, варақалар, плакатлардир.

«ВНЕШТОРГИЗДАТ» нашрлари Москва шаҳридаги энг яхши полиграфия корхоналари ҳамда Югославия, ГДР, КХДР, ЧССР ва бошқа мамлакатларда босилади.

Буюртма учун прейскурантга мувофиқ совет пуллари билан ҳақ тўланади.

Буюртмалар ишнинг мураккаблигига қараб 4 ойдан 12 ойгача муддатда бажарилади.

«ВНЕШТОРГИЗДАТ» Бутуниттифоқ нашриёт-полиграфия бирлашмасининг Ўрта Осиё бўлими доимо буюртмачига масалаҳат, консультация бериш, рассом, суратчи адабий ходим томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

Нашриёт адреси: Тошкент шаҳри-129, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 44-61-51, 44-35-32.

2-«УЗСЕЛЬЭЛЕКТРОСТРОЙ» ТРЕСТИ

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида асосан буюртмачининг материаллари ҳисобига 0,4—6—10—35 ва 100 киловатт кучланишдаги электр узатиш линияларн ва электрподстанциялари қурилиши бўйича

Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширади

ТРЕСТНИНГ ҚУЙИДАГИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

2-МК — 703017, Самарқанд шаҳри, Титов кўчаси, 187-уй. Телефон — 43-201.

6-МК — 732004, Термиз шаҳри, С. Раҳимов кўчаси, 5-уй. Телефон — 22-750.

7-МК — 705000, Бухоро шаҳри, Файзнобод кўчаси, 4-уй. Телефон — 55-815.

9-МК — 730000, Қарши шаҳри, ГСП, 26-абонемент қутиси. Телефон — 45-815.

12-МК — 704202, Каттақўрғон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 168-уй. Телефон — 54-841.

13-МК — 708300, Жиззах шаҳри, «Коммунизм» колхози. Телефон 22-142.

ТРЕСТ — 703058, Самарқанд шаҳри, Миршаропов кўчаси, 7-уй. Телефон — 65-621.

Телетайп 103169 Патрон.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА КУРСЛАРИДА

ҚУЙИДАГИ КАСБЛАРНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН:

лифтчи, лифтлар бўйича электромонтер, буғ ва сув билан иситиладиган қозонлар машинисти, газ, электр пайвандчилар, сувни кимёвий тозалаш аппаратчилари, стропалчи, печкачи, пистолетчи, элкетропогрузник ва электркара ҳайдовчилари.

Инженер-техник ходимлари Давлат шаҳар техника назорати қоидалари бўйича аттестациядан ўтказилади, ҳамда барча коммунал мутахассислик бўйича инженер-техник ходимлар малакаси оширилади; қурилиш ихтисосига эга бўлган ишчилар малакаси оширилади (қисқа муддатли).

Ўқишга буюртмага кўра ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилади ва якка тартибда тингловчилар қабул қилинади.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш группалар жамланишига қараб бошланади.

Бизнинг адрес: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-тупик (4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Ивлев кўчаси» бекати). Телефонлар: 55-62-36, 55-63-71, 54-39-70.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ҚССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1, 2 февраль соат 19.30 да

Дўстлик тароналари

ҚАТНАШАДИЛАР:

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисти, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОРТИҚ ОТАЖОНОВ

С. М. Киров номли Ўш ўзбек мусиқали драма театрининг солистлари, Қирғизистон ССР халқ артистлари: Ойтожи ШАБДОНОВА, Неъматжон НЕЪМАТОВ, Толибжон БАДИНОВ;

Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган артист

РАСУЛЖОН УРАЙИМЖОНОВ

«КАМОЛОТ—89» конкурсининг лауреати

МАҲАМАТКАРИМ СОИПОВ

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармониясининг солисткаси

МУАЗЗАМ ҒАФУРОВА

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ВИДЕОМАРКАЗ» ИЖОДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва ўқув юртларидан рекламалар, техник пропагандистик, ўқув ва бошқа киновидеофильмлар яратиш бўйича

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртманинг баҳоси ўзаро келишув нархида белгиланади.

Бизнинг адрес: Тошкент—129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар: 44-56-92; 44-23-47.

Қўшсоҳил қўшиқлари

ХОРАЗМДА ҚҚАССР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Қорақалпоғистонда Хоразм маданияти кунлари бўлиб ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Дўстлар яна дийдор кўришди. Бу гал қорақалпоғистонлик ижодкорларни хоразмликлар нон-туз ва гуллар билан қучоқ очиб кутиб олдилар. Учрашув Гурлан районидаги «Қорақалпоғистон» совхозида жойлашган Бердақ номидаги боғдан бошланди.

Негаки, Бердақ, Ажиниёзлар хоразмликлар учун ғоят қадрли. Гурлан ва Амударё районн чегарасида барпо этилган ушбу боғ ана шу муҳаббатнинг бир қиррасидир. Табиийки, қорақалпоқ халқи учун ҳам Паҳлавон Маҳмуд, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Аваз Ўтар ўғли, Комилжон Отаниёзовлар бирдек эъзозли.

Қорақалпоғистонлик партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, ижодкор, санъаткор ва зиёлилар Бердақ боғидан Хивага, Огаҳий ороми-гоҳига йўл олдилар. Улар буюк шоир ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Уй-музейини томоша қилишди, кўркам боғини айланишди. Шу ернинг ўзида дўстлик мушоираси бошланиб кетди. Қорақалпоғистон АССР халқ шоири Жўлмирзо Оймирзаев, Улмамбет Хўжаназаровларнинг эҳтиросли шеърларига Эркин Самандаровнинг фалсафий сатрлари ҳамоҳанг янгради.

— Халқларнинг дўстлигидан, қардошлигидан кўра буюк куч йўқ, — дейди СССР халқ депутати, СССР Давлат мукофоти лауреати Тўлапберган Қаипберганов. — Дунёни туздирадиган ҳам, буздирадиган ҳам худди шу эзгу туйғу билан боғлиқлигига ҳозирги пайтда яна бир карра амин бўлиб турибмиз. Мамлакатимизнинг айрим регионларида юз бериб турган воқеалар ҳаммамизни ташвишлантирянти, қалбларимизни ларзага солянти, шундай бир вазиятда Хоразм диёрида Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари ўтаётганлигининг ижтимоий-сиёсий аҳамияти каттадир.

24 январь куни Огаҳий номидаги театрда ҚҚАССР маданият кунларининг очилиш маросими бўлди. Томошабинлар «Бизнинг кучимиз — дўстликда» адабий-музиқали композицияни, Ўзбекистон ССР ҳамда ҚҚАССР халқ артистлари Отажон Худойшукуров, Гулпарчин Саримбетова, Тамара Дўсимова, Байрам Матчоновларнинг қўшиқларини, «Мухаллес», «Ариўлар» ва бошқа ансамбларнинг чиқишларини гулдурос қарсаклар билан кутиб олишди.

Маданият кунлари воҳанинг барча шаҳар ва районларида давом этяпти. Урганч шаҳридаги мусаввирлик галереясида тасвирий санъат асарлари, область пионерлар уйида болалар расмларининг кўргазмалари очилди. «Хоразм» кинотеатрида қорақалпоғистонлик киночиларнинг энг яхши фильмлари намойиш қилинянти. Шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ҳам мароқли ва мазмунли ўтяпти. Уларнинг бош мавзуи — дўстлик, умуминсоний туйғуларни тараннум этиш, жамиятимиздаги ижобий ўзгаришларни тасвирлаш, муаммолар ҳақида ошкор фикр юритишдан иборатдир. Табиийки, Оролни, табиатни асраб қолиш, айниқса, экологик фожиани бартараф этиш йўлларини биргаликда излаш зарурлигига катта эътибор қаратилянти.

Қорақалпоғистон АССР маданияти кунлари очилишида Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари С. Ниетуллаев, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Р. Худойбергановалар иштирок этишди.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ

Олмаота, 24 январь. (ТАСС мухбири). Бугун Қозоғистон пойтахтида Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон тиббий муассасаларининг 2000 йилгача бўлган даврда ҳамкорлик қилиш программаси имзоланди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон соғлиқни сақлаш министрлари регионда тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва тиббий муассасалар ҳамкорлиги муаммоларини муҳокама қилдилар.

Шунингдек, юрак-қон томир касалликлари, ёмон шиш, болалар касалликлари, доялик ва аёллар касалликлари, тозалик ва юқумли касалликлар соҳасида биргаликда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар таъкидланди. Озарбайжон ва Арманистон табобат ходимларига мурожаат қилиниб, улар хунрезлик тўхтатилишига кўмаклашишга даъват этилди.

ИЛК ТАНИШУВ

ЧИТА, 25 январь. Чита бадиий музейида Ўзбекистон амалий безак санъати асарлари кўргазмаси очилди. Байкалорти аҳолиси биринчи маротаба Жанубдаги республика ҳаваскор ва профессионал рассомлари жуда нафосат билан ишлаган турли хил рўзғор буюмлари, заргарлик безаклари, ҳайкаллар, мусиқа асбобларини кўриш имконига эга бўлдилар. Кейинги пайтларда минтақалар ўртасида ўрнатилган алоқалар туфайли сибирликлар кўҳна халқнинг маданий бойликларини томоша қилмоқдалар. Бултур Урганчда Чита области маданияти кунлари ўтказилган эди. Энди эса ўзбек санъати усталарига навбат келди. Амалий безак ижодиёти кўргазмасидан сўнг Читада Хоразм области рассомларининг асарлари намойиш этилади. (ТАСС).

Компьютерлар хизматда

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети коллективи республикамиз халқ хўжалиги тармоқларидаги ўсиш суръати ва пасайиш миқдорини аниқлаш ҳамда бу ҳақда маълумот тўплаш билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам барча бўлимларда замонавий, аниқ ишлайдиган техникадан фойдаланиш талаб этилади. Бу борада кейинги йилларда муайян ишлар қилинди. Машина заллари электрон-ҳисоблаш машиналари ва компьютерлар билан бойитилди.

Суратда: машина залининг умумий кўриниши.

А. ЖДАНОВ суратн.

• Спорт

КУРАШ:
МУНОСИБ ҲИССА

Оржоникидзе шаҳрида эркин кураш бўйича СССР ва АҚШ терма командалари ўртасида иккинчи учрашув бўлиб ўтди. Совет полвонлари 7:3 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу муваффақиятга тошкентлик жаҳон чемпиони Маҳарбек Хадарцев ўз ғалабаси билан муносиб ҳисса қўшди. У бу сафар К. Тростни мағлубиятга учратди. Совет полвонларидан В. Тогузов, В. Богиев, Н. Гажиханов, О. Эфендиев, Д. Тедеев ва О. Наниевлар ҳам ғолиблик супасига кўтарилишди.

БОКС:
ЧЕМПИОННИНГ ИИҚИЛИШИ

Профессионал боксчилар орасида жаҳон чемпиони Майк Тайсон машқ пайтида кутилмаганда йиқилиб кўпчиликни ҳайратга солди. У собиқ чемпион Грег Пейджнинг нокдаунли зарбига дош беролмай, гангиб қолди. Лекин, ўзини ўнглаб курашни олти раундга етказди. Тайсон ҳозир бўлажак жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўрмоқда. Унинг ҳисобида 37 та учрашув бўлиб, шундан 33 тасини накаутли зарба билан ютган. Чемпионат 11 февраль куни Токиода бошланади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01053. № 22. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги коллективи министрликнинг бошқарма бошлиғи С. Д. Зиявага онаси

Саодат ДАДАБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати ва жамоат ташкилотлари ипак технологияси кафедрасининг доценти А. Исаевга отаси

Исроил ИСАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.